Н. С. ХРУШЧЕВ: ҚУРУВЧИЛАР ҲАЁТДА ЯНГИЛИККА ЙЎЛ ОЧУВЧИ АЖОЙИБ КИШИЛАРДИР

БУГУН — БИНОКОРЛАР КУНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 185 (12.839).

1964 АВГУСТ 9 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҲАР БИР БУЮМНИНГ ЗАРАР КЎРМАГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА МОСКВА ШАҲАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИГА ҚАРАШЛИ ЎН БЕШ КОРХОНА КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ ТУҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети қайд қиладики, Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг коллективлари КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошира бориб саноат ишидаги иқтисодий кўрсатгичларнинг яхшиланишига, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошишига қатъий эришмоқдалар. Зарарлари планда кўзда тутиладиган корхоналар сони кейинги икки йил ичида кескин суратда камайди.

«Красний пролетарий», «Калибр», «Манометр», «Компрессор», «Москабель», «Каучук», «Пролетарский труд», «Металлорукав», механик бурама ўйинчоқлар заводларининг, Кунцево тўқимачилик-пардозлаш фабрикаси, «Красная заря», «Красний Октябрь», «Свобода», Балакирев номли фабрикаларнинг ҳамда «Заря» пойафзал корхоналари бирлашмасининг коллективлари рентабель ишлашга эришиб ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарасини янада оширишнинг мавжуд резервларидан фойдаланишга интилиб, қимматли ватанпарварлик ташаббуси кўрсатдилар — 1964—1966 йиллар мобайнида ишлаб чиқариладиган буюмларнинг ҳар қайсисини зарар етказмайдиган қилиш ҳамда айни вақтда маҳсулот сифатини тобора ошириш мажбуриятини олдилар.

Шу мақсадга эришиш учун янги прогрессив технологияни, узел ва деталларнинг мукаммалроқ конструкцияларини жорий қилиш, пластмассалардан кенг фойдаланиш, моддий ресурсларни ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш, ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Ҳар бир буюмнинг зарар кўрмаган ҳолда ишлаб чиқарилишини таъминлаш соҳасида Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашига қарашли ўн беш корхона коллективларининг ташаббуси маъқуллансин.

2. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига қуйидагилар тавсия қилинсин:

Москва корхоналари коллективларининг қимматли ташаббуси бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин ҳамда саноат ходимлари ўртасида маҳсулот сифати тобора оширилгани ҳолда, ҳар бир буюмни зарар кўрмасдан ишлаб чиқариш учун кураш авж олдирилсин;

ишлаб чиқариладиган буюмларнинг зарар келтиришини тугатишга муваффақиятли эришаётган корхоналарнинг тажрибаси умумлаштирилсин ва қунт билан жорий қилинсин;

Саноат корхоналари коллективларининг буюмларни зарар кўрмай ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳасидаги иши матбуотда, радио ва телевидение орқали кенг ёритиб борилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети шу нарсага ишонадики, москваликлар-нинг ватанпарварлик ташаббуси мамлакат саноат корхоналарининг коллективлари орасида кенг қўллаб-қувватланади ва бутун чоралар билан ёйилади, ҳар бир партия, касаба союз ва комсомол ташкилотининг, ҳар бир ишчи, инженер, техник, экономист, технолог, конструктор ва илмий ходимнинг кундалик иши бўлиб қолади, бу эса ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарасини оширишга, халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш учун қўшимча маблағларга эга бўлишга имкон беради ҳамда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

С из суратда кўриб турган комплекс бригада аъзолари (чапдан ўнгга): Рустам Сулаймонов, Назира Рўзметова, Маҳмадали Ҳожиметов, Яков Левкеевич ва Татьяна Маврина ўртоқларни Тошкент ГРЭСи қурилишида «биринчилар» дейишади. Бу азаматлар ГРЭСнинг ҳамма агрегатлари қурилишида иштирок этишни мўлжаллашмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЭКОНОМИКАНИ ЧУҚУР БИЛАЙЛИК, ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН ЭНГ КЎП МАҲСУЛОТ ОЛИШНИ ЎРГАНАЙЛИК

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Ростов область, Зимовники от заводи раҳбарлари ва мутахассислари билан 1964 йил 6 августдаги суҳбати

Сальский даштларининг ғаллакорлари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни самимият ва шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар. Н. С. Хрушчев 6 августда эрта тонгда поезддан тушиши биланоқ Зимовники от заводи далаларига йўл олди. Бу хўжаликнинг марказий усадьбасида Н. С. Хрушчевни совхознинг ишчилари, мутахассислари ва раҳбарлари кутиб олдилар. Улар кейинги йилларда бу хўжаликда рўй берган катта ўзгаришлар тўғрисида унга сўзлаб бердилар.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети от заводларининг ишидаги катта камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаган эди. От заводлари ихтиёрида кўп миқдорда ер бўлишига қарамай, улар дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни жуда кам етиштирар эдилар. Зимовники от заводи ҳам шундай хўжаликлардан эди. Орадан ўн йил ўтди. Хўш, хўжаликда қандай ўзгаришлар рўй берди? От заводининг директори Г. Л. Риндин коллектив номидан гапириб, хўжаликнинг ҳозирги кундаги ишлари ва истиқболлари тўғрисида, ишчилар ва мутахассислар қандай меҳнат қилаётганликлари ҳақида, улар ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва интенсивлашни қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида сўзлаб берди.

Н. С. Хрушчев суҳбат давомида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг муҳим масалалари юзасидан хўжалик раҳбарлари билан маслаҳатлашди, уларга конкрет истакларини айтиб берди. Бу суҳбатнинг ёзиб олинган тексти қуйида келтирилади.

Г. Л. Риндин (от заводининг директори). Никита Сергеевич, биз Сизга хурсандчилик билан шуни маълум қиламизки, совхоз коллективи шу йиллар ичида кўп меҳнат қилди, от заводини дон, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштирувчи йирик хўжаликка айлантиришга ҳаракат қилди. Совхоз экономикасининг аҳволини характерловчи баъзи маълумотларни келтириб ўтаман.

1953 йилда биз нималарга эга эдик ва от заводи 1964 йилда давлатга қанча миқдорда маҳсулот беради?

	1953	1964
Жаъми ер	56.949	55.981
шу жумладан ҳайдаладиган ерлар	14.385	37.237
Дон экинлари:	4.517	20.285
шу жумладан кузги буғдой	1.130	14.415
Гектаридан олинган дон ҳосили (центнер)	8,9	20,0
Ялпи дон ҳосили (центнер)	40.285	402.060
Қорамол туёғи	1.206	6.550
Қўйлар сони	11.691	36.000
Гўшт етиштириш (центнер)	3.671	16.630
Давлатга сотилган маҳсулот (центнер ҳисобида)		
Дон	5.246	300.000
Гўшт	2.250	12.800
Жун	712	2.020

Никита Сергеевич, бу натижалар катта имкониятларимизга ҳали муносиб эмаслигини тушунамиз. Шу сабабли совхоз коллективи зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда, партиянинг қишлоқ хўжалигини интенсив олиб бориш тўғрисидаги қарорларини астойдил амалга оширмоқда. Ишчилар, аввало, ҳар гектар ерда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Мўл маҳсулот берадиган навларни экишга ўтиш йўли билан кўп жиҳатдан бунга эришиш мумкин. Ҳозирги кунда далаларимизда буғдойнинг «безостая-1», «мироновская-808» ва бошқа энг қимматли навларини кўриш мумкин. Биз яхши навлар ҳисобига дон экинлари ҳосилдорлигини кўп даражада ошириш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Масалан, бизда районлаштирилган эски навлардан гектар бошига 15-20 центнер дон олинган бўлса, бригаларнинг бирида «мироновская-808» навидан гектар бошига 35 центнер, «безостая-1» навидан 30 центнер яхши сифатли дон олинди.

Н. С. Хрушчев. Сиз ажойиб навларнинг номини айтдингиз. Мен ҳам «безостая-1» ва «мироновская-808» каби буғдой навларининг мухлисиман. Курск область, Калиновка қишлоғидаги колхоз ўтган йили «мироновская-808» навли буғдой экканлигу тўғрисида илгари гапирган эдим ва буни сизларнинг эсингизга солиб ўтмоқчиман. «Мироновская-808» навидан гектар бошига 43 центнер ҳосил олинди, ҳолбуки, районлаштирилган нав атиги 21 центнер ҳосил берди. Дуруст, Калиновкада бошқа навлар каби буғдойнинг бу навини ҳам ўғит солинган ерга экдилар. Менга маълум бўлишича, сизлар ерга ўғит солмагансиз. «Мироновская-808» нави экиладиган ерларга тегишли миқдорда ўғит солинса, гектар бошига 35 центнер эмас, балки бундан анча кўпроқ ҳосил олиш мумкин.

Г. Л. Риндин. Ерга кўп ўғит солинганида «безостая-1» нави каби, «мироновская-808» нави ҳам гектар бошига 50 центнер дон бера олишига шубҳа қилмаймиз.

Н. С. Хрушчев. Бу йил ўғит солинган ерларга тажриба тариқасида «мироновская-808» ва «безостая-1» навларини экиб кўрсангиз яхши бўлур эди. Шундай қилганда ана шу навнинг имкониятларини тўлароқ билиб олиш мумкин бўлади. Мен шундай қилишни ҳам тавсия этар эдим: маълум участкаларни ажратиб, турли миқдорларда солинган минерал ўғитларнинг таъсирини синаб кўрингиз. Шундай қилганингизда сизнинг зонангизда қанча миқдорда ўғит солиш билан энг кўп ҳосил олинишини конкрет мисолларда кўриб билиб оласиз. Ўз-ўзидан маълумки, ўғит солишдан олдин тупроқни химиявий анализ қилиш керак бўлган ўғитларни бериш учун ўсимлик қандай химиявий моддаларга муҳтож эканлигини билиб олиш керак.

Г. Л. Риндин. Никита Сергеевич, қуйидагиларни маълум қилишга рухсат этгайсиз: биз бу йил 13 та ҳар хил тажриба ўтказамиз. Бу тажрибалар совхоз мутахассисларининг назорати остида олиб борилади. Шу тариқа биз минерал ўғитларнинг турли экинлар ҳосилдорлигини оширишга кўрсатадиган таъсирини аниқлаймиз. «Мироновская-808» ва «безостая-1» буғдой навларини ўғит солинган ерларда етиштиришни албатта тажриба қилиб кўрамиз. Биз бу йил тупроқни текшириш ишларини тамомлаймиз, химиявий анализ натижаларига эга бўламиз. Совхоз кўкламги экиш бошланишига қадар ҳар бир даланинг картограммасини олади.

Н. С. Хрушчев. Сиз «мироновская-808» навининг ҳосилдорлиги тўғрисидагина гапирдингиз. Бу буғдойнинг ётиб қолиш-қолмаслиги қай даражада?

Г. Л. Риндин. Сал-палгина ётиб қолди.

Н. С. Хрушчев. Бу жиҳатдан «безостая-1»нинг ўрнини бошқа ҳеч қайси экин боса олмайди, албатта. У жала ва қаттиқ шамол вақтида ётиб қолмайди, бошоғи қаттиқ бўлиб, дони тўкилмайди. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси ҳам «мироновская-808»да тўла равишда мавжуд, деб бўлмайди. Сиз бу буғдойга унинг яхши томонларини кўзда тутиб баҳо бермоқдасиз, бу навнинг камчиликларини ҳам аниқ билиб олиш керак. Такрор айтаман, «мироновская-808» гарчи ётиб қолишга мойил бўлса ҳам, яхши буғдойдир.

Одесса селекциячиси ўртоқ Киричонкода «новомичуринка» навли янги буғдой уруғи бор-йўқлигини билмайман. Илгари айтиб ўтганимдек, Одесса атрофидаги даштларда беш йил мобайнида ана шу уруғ экилиб, гектар бошига ўрта ҳисобда 40 центнер дон олинди. Бу буғдой сизнинг шароитингизда, эҳтимол жуда кўп ҳосил бериб қолар.

Г. Л. Риндин. Маслаҳатингиз учун Сизга ташаккур. Биз Одесса селекциячиларига мурожаат қилиб, янги нав уруғни синаб кўриш учун бир оз миқдорда ажратиб бериш имкониятлари бор-йўқлигини улардан суриштириб биламиз. Никита Сергеевич, бизнинг қурғоқчил зонамиз шароитларида маккажўхори қандай етиштирилаётганлиги тўғрисида Сизга сўзлаб бермоқчиман. Совхоз яқин ўтмишда чорва молларини ем-хашак билан таъминлай олмаган эди. Биз маккажўхори етиштиришни ўзлаштириб олганимизга қадар шу аҳвол давом эта берди.

Ҳозир аҳвол тубдан ўзгарди. Совхоз ходимлари маккажўхори етиштиришни ўрганиб олган пайтдан буён хўжаликнинг ем-хашак базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Эндиликда биз чорва молларни ўзимизнинг ем-хашагимиз билан етарли таъминлаётмиз. Бу йил бир ярим йилга етадиган ем-хашакни ғамлаб қўямиз.

Ем-хашакнинг асосий манбаи маккажўхоридир. Бу йил совхозда 4 минг гектар ерга маккажўхори экилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камида 250 центнер думбул сўтали маккажўхори кўкпояси олинди. Лалмикор ерларда экилган маккажўхорининг бўйи икки метрдан ошиқ бўлиб, яхши сўта беради.

Н. С. Хрушчев. Сизда маккажўхори сийракроқ экилганга ўхшайди. Сиз бу ерда кўрсатиб берган поя ва сўталарни эътиборга олганда, гектар бошига олинадиган ҳосил камида 400 центнер ва ҳатто 500 центнер бўлиши керак.

(Давоми 2- бетда).

ШИМОЛИЙ ОСЕТИЯДА БАЙРАМ

Н. С. ХРУШЧЕВ ШИМОЛИЙ ОСЕТИЯ ПОЙТАХТИДА

ОРЖОНИКИДЗЕ, 8 август. (ТАСС). Оржоникидзе шаҳри вокзалининг байрамдагидек безатилган пештоғида «Хуш келибсиз, қадрдон Никита Сергеевич!» деган сўзлар ёзилган қизил алвон кўзга яққол ташланиб турибди. «Яшнаб турган Осетиямиз, шон-шуҳратингни ошира бер!» деб ёзилган сўзлар узоқ-узоқлардан кўриниб турибди. Байрам либосини кийган вокзал ҳуснига яна бир нарса — «40» рақами ҳуси қўшиб турибди. Шимолий Осетия ўз автономиясининг қирқ йиллигини нишонламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тантаналарда қатнашиш учун келганлиги осетин халқига бениҳоя катта қувонч бағишлади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев билан бирга Шимолий Осетияга КПСС Марказий Комитети президиумининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Россия Федерацияси Бюроси раисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Ефремов, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Поляковлар ҳам келдилар.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Шонли воқеалар — Шимолий Осетия Автоном Совет Социалистик Республикасининг қирқ йиллиги ва бу республиканинг хўжалик ҳамда маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Шимолий Осетия меҳнаткашларини қизғин табриклашдилар.

БУРЧИМИЗ

Марямхон ИҲЛДОШЕВА,
Андижон бошқармасидаги Тельман номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

◆ ◆

Ҳамкасбимиз Искандар Юсуповнинг «Мардларни майдон чорлайди» сарлавҳали мақоласини ўқидик. Ҳақ гапларни айтди у. Ҳақиқатан ҳам, пешана тери тўкиб, билак кучи сарфлаб қилган меҳнатимизнинг меваси кўринадиган палла келяпти. Ҳа, август ойида ғўзасининг кўкига маҳлиё бўлиб, парваришни бўшаштириб юборган деҳқон панд еб қолади.

Шуни айтиш керакки, деҳқонларимиз ёз бўйи ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилдилар. Мавжуд 800 гектар майдондаги ғўза беш марта узунасига, тўрт марта кўндалангига парвариш қилинди. Тупроқнинг қувватини ҳисобга олиб, икки-уч марта озиқлантирдик. Учинчи сув тугалланди. Сув талаб бўлган кўчатларга тўртинчи сув беряпмиз.

Ғўзанинг ривожи ёмон эмас. Ҳозир ҳар туп кўчатда 7-8 тадан кўсан бор. Лекин, биз бу билан кифояланиб, ғўза парваришини тўхтатиб қўя олмаймиз. Ахир, қозондаги ош ҳам меъёрида дамланмаса ланж бўлиб қолади-ку, деҳқончилик ҳам худди шундай, меъёрига етказилиб парвариш қилмасангиз кўчатлар енгил, ҳосили тарози босмайдиган бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз, август — ҳосил тўплаш ойи, деб эълон қилдилар ва ғўза парваришини сентябргача қизғин давом эттиришга қарор қилдилар.

Биз мутахассислар билан фикрлашиб, август ойида қилинадиган ишларни белгилаб олдик. Бу йил об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли кўчатнинг ривожи ҳар хил бўлиб қолди. Ғўзасининг ривожи суст майдонларни белгилаб чиқдик. Бундай майдон бизда 40 гектарни ташкил этади. Нормал ғўзаларга тенгламтириб олиш мақсадида бу майдонларга қўшимча «шарбат» беряпмиз.

Шу кунларда 18 чопиқ трактори ғўзани культивация қиляпти. Бунинг жуда катта фойдаси бор. Кўп йиллик тажрибага асосланиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги культивация кўсакларнинг салмоқли, ҳосилининг эса мўл бўлиб, тез етилишига ёрдам беради. Чунки, ғўза остида ер бағирлаб ўсадиган ўтлар қирилиб кетади. Тупроқ доимо юмшоқ бўлади. Натижада берилган озиқдан тўла баҳраманд бўлган нўчатнинг ҳосилига ҳосил қўшилади.

Лекин, культивацияни пала-партиш ўтказиш натижасида ҳосилнинг бир қисмидан ажраб қолиш ҳам мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун тажрибали механизаторларни ажратганмиз. Ҳар бир картага ишлов беришни бошлашдан олдин агроном, мутахассислар ғўза ривожини ҳисобга олган ҳолда ишчи органларини жойлаштириб берадилар. Шундай қилиб ғўза илдизининг шикастланишига йўл қўймаймиз.

Шу кунларда ғўзани қондириб суғориш ҳосил тақдирини ҳал қилади. Экин меъёрида қониб сув ичса, ҳосилнинг сифати ҳам салмоғи ҳам кўнгилдагидек бўлади. Бу муҳим ишга 70 тажрибали сувчи ажратганмиз. Улар ғўзанинг талабига қараб неча-кундуз қондириб суғоряпти.

Ҳашарот ҳосилнинг душмани. Ғўзани культивация қилиш, суғоришга эътиборни кучайтириб, ҳашаротга қарши нескин курашмасангиз, ҳамма меҳнатингиз зое кетиб қолиши мумкин. Биз ана шуни ҳисобга олиб, мавжуд 8 бригадада қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашадиган отрядлар туздик. Бригаданинг катта-кичиклигига қараб отрядда 8-12 киши бор. Улар доим карта оралаб нўчатларни кузатиб юрадилар. Ҳашарот пайдо бўлган жой бўлса, дарҳол қўл аппаратлари билан курашадилар. Бундан ташқари 2 та ОДН ишлаб турибди. Шундай қилиб қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг бош кўтаришига йўл қўймаяпмиз.

Машина терими учун 200 гектар ер ажратиб, алоҳида парвариш қиляпмиз. 4 та агрегатни мавсумга тахт қилиб қўйганмиз. Ҳар бир машина билан камида 100 тоннадан пахта теримиз олдимиз.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли қирқ йиллик тўйига ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиб, муносиб тўёна тайёрлаймиз. Бунинг учун августда ғўза парваришини асло бўшаштирмаймиз. Баракали меҳнат қилиб, кўсаклар салмоқли, ҳосил эса бўлиқ бўлишини таъминлаймиз. Чунки, пахтакорлик бурчимиз — шу.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, Польша Халқ Республикасининг таниқли партия ва давлат арбоби, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси, Халқ бирлиги фронти Умум Польша комитетининг раиси, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти Ярослав Завадский узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1964 йил 7 августда Варшава вақти билан соат 15 дан 05 минут ўтганда вафот этди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЭКОНОМИКАНИ ЧУҚУР БИЛАЙЛИК,

ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН ЭНГ КЎП МАҲСУЛОТ ОЛИШНИ ЎРГАНАЙЛИК

(Боши биринчи бетда)

Г. Л. Риндин. Баъзи далаларимизда маккажўхори ҳақиқатан ҳам сийрак. Аммо, гектар бошига 300 центнер силосбоп кўк пўя берадиган участкалар ҳам бор. Хўжалигимизда ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 30-32 минг туп ўсимлик бор, айрим участкаларда эса бундан камроқ. Маккажўхорини фақат квадрат-уялаб экдик ва икки томонлама парвариш қилдик. Маккажўхори етиштиришда кўп камчиликлар бўлишига қарамай, биз ўтган йили 32 минг тонна маккажўхори силоси бостиришга муваффақ бўлдик.

Н. С. Хрушчев. Келинг, донли экинлар ҳақидаги гапимизга қайтайлик. Сиз ўтган йили ва бу йил турли навлардан қанча ҳосил олганлигингизни, турли навларнинг берадиган ҳосилдорлиги бир-биридан қандай фарқ қилганлигини аниқлаб олмоқчиман.

Г. Л. Риндин. Ўтган йили хўжаликда гектар бошига 14,5 центнер дон олинди. Бу йил гектар бошига олинадиган ўртача ҳосил 20 центнердан кам бўлмаса керак. Янги «мироновская-808» нав бугдойдан гектар бошига 35 центнер, «безостая-1» навидан 22 центнер, айрим участкаларда эса 30 центнер ҳосил олинади. Бизнинг «приазовская» номли маҳаллий навимиздан гектар бошига 18 центнер ва энг яхши участкаларда 28 центнер ҳосил олинди. Аниқроқ қилиб шуни айтмоқчиманки, биз «мироновская-808» навини эндигина эка бошладик. Бу нав бу йил фақат олти гектар майдонга экилди, «безостая-1» эса кенг майдонларга экилмоқда. У 5900 гектар ерга экилди.

Н. С. Хрушчев. Сизларнинг дашт ерларингизда гектар бошига 28-30 центнер бугдой олинган бўлса — жуда яхши. Борди-ю, минерал ўғит солинса, ҳосил анча ошиб кетиши мумкин, деб ўйлайман. Сизлар навларни яхшилаб суриштириб кўришингиз, олимлар, практиклар билан маслаҳатлашиб, аввало, энг кўп ҳосил берадиган навларни экишингиз керак.

Сизнинг олдингизга яна бир муҳим масалани қўймоқчиман. Ўзингиз биласизки, баъзи мутахассислар билан олимлар орасида бугдой экиладигани ерни шудгорлаб, дам бериб қўйган фойдалироқми, ёки экинлар билан банд қилиб қўйган фойдалироқми? — деган мунозара кетяпти. Қўрғоқчил зонада шудгорга дам бериб қўйиш шартми, жумладан, сизнинг совхозингиз ҳам шундай зонада-ку? Менга айтишларича, илгари хўжалигингизда дам бериб қўйиладиган шудгорлар бўлар экан, ҳозир бундай шудгорлар йўқ эмиш. Шу масала хусусида иқтисодий жиҳатдан бирон ҳисоб-китобларингиз борми?

Г. Л. Риндин. Дарҳақиқат, бизда дам бериб қўйиладиган шудгорлар бўлар эди. Лекин сўнгги йилларда шудгорни бошқа экинлар билан банд қилиб, кузги шудгордан кейин бугдой экишга кўчдик. Шунинг натижасида ўғитлар ҳосилимиз чакки эмас.

Н. С. Хрушчев. Бу саволни бераётганимга сабаб шуки, баъзи ўртоқлар шудгорга дам бериб қўйишни ёқлаб гапирсалар ҳам, иқтисодий ҳисоб-китобларни кўрсатмаяптилар. Ваҳолонки, айни экономика, аниқ ҳисоб, қайси тартибда қўлланганда ҳар гектар ернинг кўпроқ дон бериши бу борада муҳим роль ўйнайди. Баъзан дам бериб қўйилган шудгорнинг ҳар гектари 30 центнер, кузги шудгорнинг ҳар гектари 20 центнер бугдой берди, деган мулоҳазаларни эшитишга тўғри келади. Шу асосда, дам бериб қўйилган шудгорнинг ҳосили кузги шудгор ҳосилига нисбатан 10 центнер кўп бўлди, деган хулоса чиқарилади. Дам бериб қўйилган кузги шудгорга бугдой экиш ишининг иқтисодий самараларини шу тахлитда таққослаш керак эмас. Шудгорга яхши қараб турилса, дам бериб қўйилган ерларда кузги шудгорга нисбатан ҳосилнинг ҳамиша кўп бўлиши турган гап. Лекин шуни унутмаслик керакки, хўжалик дам бериб қўйилган ердан икки йилда бир марта ҳосил олса, кузги шудгордан бугдой ҳосили ҳар йили олиб турилади. Шу сабабдан, дам бериб қўйилган ердан олинган бугдой ҳосилини кузги шудгорга экилган бугдойнинг икки галги ҳосили билан таққослаб кўриш керак.

Агар дам бериб қўйилган шудгордаги бугдой ҳосили билан кузги шудгордаги бугдой ҳосилини таққослашга иқтисодий жиҳатдан асосланган мана шу позицияда турибмиз. Ёндошилса, бошқача манзаранинг кўриш мумкин. Дам бериб қўйилган шудгорнинг ҳар гектари 30 центнер бугдой берган бўлса, кузги шудгорга экилган бугдой икки йилда гектар бошига 40 центнер ҳосил берди. Бинобарин, кузги шудгорга экилган бугдой дам бериб қўйилган ерга экилган бугдойга нисбатан икки йилда 10 центнер кўп ҳосил берди. Мен бу ҳисобнинг аниқлигига кафил бўла олмайман ва шу ерда айтилган рақамларга асосланиб гапиряпман. Лекин бу рақамлар тўғрига ўхшайди. Саратов ва Волгоград областларида ҳам менга тахминан худди шундай рақамларни айтишган эди, ҳисобимиз шунга ўхшаш бўлиб чиқди. Тўғри бир қарорга келмоқ учун бир неча йиллик ишга тегишли анализдан ўтказмогимиз керак, деб ўйлайман.

Бу масалага яна қайтишга тўғри келадиганга ўхшаб турибди. Баъзи ўртоқлар дам бериб қўйилган шудгорга бугдой, экканда, уни икки йилда бир марта йиғиштириб олишга тўғри келади, кузги шудгорга экканда эса ҳосилни ҳар йили ўриб-йиғиштириб олиш керак, дейишлари мумкин. Бу гап тўғри, ҳосилни йиғиштирио олиш қўшимча харажатлар талаб қилади, албатта. Лекин ҳосилнинг қўшимча қисми бундай харажатларнинг ўзини қоплаб кетади. Бугдой етиштириш соҳасидаги бошқа харажатлар эса дам бериб қўйилган шудгорда ҳам, кузги шудгорда ҳам баб-баравардир. Тўғри, бири икки марта ер ҳайдашни талаб қилса, иккинчиси бир марта ер ҳайдашни талаб қилади, холос, аммо, дам бериб қўйилган шудгорларга қараб туришни, уларни ишлашни айтмайсизми. Баъзан ёзда уч мартагача культивация ўтказилади. Шундай қилмасангиз, дам бериб қўйилган шудгордан яхши ҳосил ундира олмайсиз. Дам бериб қўйилган шудгорлар ишлаб турилмаса, бегона ўтнинг конига айланиб кетади.

Областлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу масалани диққат-эътибор билан текшириб кўришларини ва энг тўғри бир қарорга келишларини истар эдик. Ҳозир қўлимда муайян бир хулоса чиқариш имконини берадиган материаллар йўқ. Бу масалада менинг позициям мана шундай: агар дам бериб қўйилган шудгор ҳар гектар ҳисобига кўпроқ дон берса, мен дам бериб қўйилган шудгор тарафдориман; агар кузги шудгорга экилган бугдойга нисбатан камроқ дон берадиган бўлса, мен дам бериб қўйилган шудгорга қаршиман. У ҳолда, мен дам бериб қўйилган шудгорга қарши чиқаман, кузги шудгорга бугдой экиш тарафдориман. Лекин такрор айтаманки, солиштириб кўриш учун олинган рақам иқтисодий жиҳатдан пишиқ бўлиши керак, яъни дам бериб қўйилган шудгордан олинган ҳосилни кузги шудгордан олинган икки галги ҳосилга солиштириб кўриш лозим. Агарда хўжалик дам бериб қўйилган шудгорнинг ҳосилига нисбатан икки галги ҳосилдан 5 центнер кўп дон олаётган бўлиб чиқса, унда кузги шудгор ўзини ўзи ташвиқот қила беради. Қани, 5 центнер донинг нималигини ҳисоблаб кўрмайсизми? Биз қўриқ ерларни ўзлаштира бошлаган вақтимизда, тузилаётган совхозларга гектаридан 8 центнер ҳосил олиш ҳақида план берган эдик. Бунинг маъноси шуки, қўриқ ерларда 5 центнер товар дон олишнинг ўзиёқ хўжаликни даромад кўриб бошқариш имконини берар, харажатларни қоплар эди. Модомики, шундай экан, энди нима учун шудгорга дам бериб қўямиз, деб 5 центнер донни қўлдан чиқаришимиз керак? Хуллас, келинглар ҳаммасини ҳисоблаб кўрайлик-да, кўпроқ дон берадиган тартибни жорий қилайлик.

Г. Л. Риндин. Балки фақат уруғчилик мақсадлари учун, уруғларни қўпайтириб олиш учун шудгорга дам бериб қўйилса, дуруст бўлар.

Н. С. Хрушчев. Уруғчилик мақсадлари учун эҳтимол, маълум миқдордаги шудгорга дам бериб қўйилса ҳам бўлар. Лекин мен бу саволга тасдиқ жавобини беришни истамайман. Уруғ етиштириш методлари хусусида олимлар билан мутахассислар ўз фикрларини айтмоқлари керак. Уруғлар ҳам худди товар дон етиштириладиган шароитда етиштирилмоғи керак, деган гапларни эшитганман. Балки уруғчилик участкаларига, биринчи галда минерал ўғитлар бериш лозим бўлар. Аммо, бу энди агрономлар ҳал қиладиган масала. Шу иш билан шуғулланиб келаётган тажриба хўжаликларингиз бор.

Г. Л. Риндин. Бизнинг шароитимизда хўжаликда дам бериб қўйилган шудгорлар бўлмаган тақдирда-гина, ердан интенсивроқ фойдаланилади. Биз сурункасига тўрт йилдан бери товар маҳсулот бергувчи ўсимликларни экишга ҳам, уруғлик участкаларига ҳам шудгор қолдираётганимиз йўқ. Баъзилар шудгорга дам бериб қўйишдан воз кечиш ялпи дон ҳосилининг камайиб кетишига, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади, дейишган эди. Ҳақиқатда эса бизда ялпи дон ҳосили йилдан-йилга кўпайиб, ҳосилдорлик ҳам ошиб бораяпти. Экинлардан муттасил мўл ҳосил олдиган бўлиб қолдик. Сўнгги беш йилдан бери совхоз ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 100 пуд дон олиб келяпти.

Н. С. Хрушчев. Бир жуда ҳурматли одам менга дам бериб қўйилган шудгорнинг ҳар гектаридан 70 центнер бугдой олиш мумкин, кузги шудгорнинг ҳосили эса атиги 40 центнер бўлади, деди. Бориғки, шундай бўлганида ҳам, кузги шудгорга экилган бугдой икки галги ҳосилда гектар бошига 30 центнер, яъни дам бериб қўйилган шудгорга нисбатан 10 центнер кўп бугдой беради.

Ўтган йили мен Каховкада қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашини ўтказдим. Кенгашда олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари бор эди. Ўзингиз биласизки, Каховка, қоларверса, бутун Херсон области — Украинанинг энг қурғоқчил районларидан бири. Украинанинг ана шу қурғоқчил жануби марказида йирик олимлар билан мутахассислар дам бериб қўйиладиган шудгорга қарши чиқиб, дам бериб қўйилган шудгордан кузги шудгорнинг икки галги берган бугдой ҳосилига нисбатан кўпроқ дон ундириб бўлмаслигини исботладилар. Ҳозир сиз ҳам худди шундай фикрни айтяпсиз, демак, бу масалада мен озми-кўпми қатъий бир фикрга келиб қолянман. Бу масалада ҳал қилувчи сўзни умумий мулоҳазалар эмас, балки арифметика айтиши керак. Бугдойни қай тахлитда экиш маъқулроқ, деган масалани тажриба, практика ҳал қилиб беради.

Г. Л. Риндин. Тупроқни чала шудгор усулида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Мен, масалан, маккажўхорини кенг қатор ораларига экишни назарда тутяпман. Шундай усулда экилган маккажўхори бизда гектар бошига 30 центнергача дон беряпти. Қатор оралари ёз бўйи яхши ишлангани учун, маккажўхорини йиғиштириб олгандан кейин дангал бугдой экиб, мўл ҳосил олишдан умидвор бўлавериш мумкин.

Н. С. Хрушчев. Бунинг аҳамияти бор. Бугдойдан аввал экиш учун шундай экинларни танлаб олиш керакки, бу экинларни иложи борича эртароқ саранжомлаб, ерни кузги экинлар экишга ҳозирлаб қўйиш мумкин бўлсин.

Г. Л. Риндин. Бугдойдан олдин маккажўхоридан ташқари нўхат экса ҳам яхши бўлади. Бизнинг совхозимиз нўхатнинг ҳар гектаридан 14-15 центнер ҳосил оляпти, ёввойи ловия 16 центнердан ҳосил берди. Ўтган йили биз бир даланинг ҳар гектаридан 14 центнер нўхат йиғиштириб олгач, ерни тайёрлаб, кузги бугдой экдик. Бу йил ана шу даланинг ҳар гектаридан 27 центнер бугдой олдик. Айни бир маҳалда дам бериб қўйилган шудгордаги бугдойнинг ҳар гектари 25 центнер ҳосил берди.

Н. С. Хрушчев. Сиз гоят диққатга сазовор рақамларни айтдингиз. Нўхат билан ёввойи ловия бугдойнинг ўтмишдоши сифатида шудгордан асло қолишмаганини бу рақамлар кўрсатиб турибди. Нўхатдан кейин экилган бугдой ҳосили, ҳатто юқори бўлибди. Дам берилмаган даланинг ҳар гектаридан икки галги ҳосилда (14 центнер нўхатга 27 центнер бугдойни қўшганда) 41 центнер ҳосил олинган. Дам бериб қўйилган шудгорнинг ҳар гектаридан эса 25 центнер бугдой етиштирилган. Сизнинг арифметикангиздан ана шундай хулосалар келиб чиқяпти.

Буларнинг ҳаммаси оддий масалалар эмас. Ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари ва ташкилотчи инспекторлар шу масалаларни ҳал қилишда колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатишлари лозим. Бу муҳим вазифага бизда баъзан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг у ёки бу тармогини билмайдиган кишилар кўтариб қўйилмоқда, десам, улар мендан ўпкаламасалар керак, деб ўйлайман. Ҳойнаҳой сизларнинг ташкилотчи инспекторларингиз орасида ҳам шундай кишилар бордир.

Овоз. Ташкилотчи инспекторларимизнинг ҳаммаси мутахассис.

Н. С. Хрушчев. Ҳойнаҳой, мутахассис бўлмаганларини менинг келишимга ишдан бўшатиб, мутахассисларни тайинлаб қўйгандирсизлар-да. Афсуски, ўртоқлар, ишлаб чиқариш бошқармаларида ги ходимларимиз ва инспекторларимиз орасида ҳақиқатан ҳам қишлоқ хўжалигини билмайдиган одамлар бор. Бундай ходимдан нима кутиш мумкин? Бундай ходим далага бориб қолса, ҳойнаҳой раис уни кўргач, у билан учрашиб, вақтимни беқорчи гаплар билан ўтказиб нима қилдим, дейди-да, бирор ёққа жўнаб қолади. Биз ишлаб чиқариш бошқармаларида чуқур билими бўлган, ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир у ёки бу масалалар ҳақида ишонарли маслаҳат бера оладиган ходимларни ишлатишимиз мумкин ва керак.

Қишлоқ хўжалигидаги маслаҳатчи ёки ташкилотчи инспектор шу қадар ишбилармон бўлиши керакки, совхоз директори ёки колхоз раиси бошқармага телефон қоқиб, менга галлачилик ёки қорамолчилик, ёҳуд қўйчилик билан шуғулланувчи маслаҳатчини юборинглар, дейдиган бўлсин. Бизга ана шундай маслаҳатчилар керак.

Г. Л. Риндин. Совхоз коллективи ишлаб чиқаришни тобора ихтисослаштириб, меҳнат унумдорлигини оширмоқда, маҳсулот таннархини камайтирмоқда. Илгари эски от заводи борлигида бир центнер дон таннархи 3 сўм 90 тийин бўлган эди. Ҳозир эса, бир центнер дон бизга 1 сўм 50 тийинга тушяпти.

Н. С. Хрушчев. Натижа жуда яхши. Маҳсулот таннархини камайтириш — ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги муҳим вазифалардан биридир. Сизлар бу соҳада колхоз ва совхозларга яхши ибрат кўрсатяпсизлар.

Г. Л. Риндин. Бизнинг зонамизда майин жунли қўйчилик катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда совхозда қўйлар туёғи қарийб уч баравардан зиёд кўпайиб, 36 минга етди. Ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 6.2 килограмм жун қирқиб олинди. Қўйчилик хўжаликнинг фойдали ва сердаромад тармоғидир. Давлат арзон қўй гўшти ва жун оляпти.

Биз ўз ишимизда мол гўшти етиштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Совхоз ҳар йили давлатга юзлаб қорамол топширяпти. Бир центнер мол гўштининг таннархи ўтган йили 55 сўм, бу йил эса 47 сўм бўлди.

Н. С. Хрушчев. Мол гўшти таннархини қандай йўллар билан камайтирдинглар?

Г. Л. Риндин. Асосан ем-хашакни ва, аввало, силосни арзонлаштириш йўли билан. Бизда маккажўхори силоси қишки шароитда асосий озуқа ҳисобланади. Ёзда чорва моллар яйловларда ўтлатилади. Қорамоллар рационининг 65-70 проценти ширали ва дағал хашаклардан, 12-13 проценти эса дондан иборат. Одатда бир килограмм семиртиришга 0,8 килограмм дон сарфланяпти. Бизда ширали озуқа энг арзон озуқа ҳисобланади. Бу мол гўшти таннархини камайтиришнинг битта йўлидир. Иккинчи йўли шуки, сўқимга боқиш муддатлари қисқартирилди, боқилган мол вазни хийла қисқа давр ичида кўпайтирилди. Биз ёш молларни 15-16 ойлик бўлгунча боқиб, тирик вазни 380-400 килограммга етганда топширяпмиз.

Н. С. Хрушчев. Сизларнинг чорва молларни сўқимга боқиш соҳасидаги методингиз ва ажойиб подачингиз ўртоқ Бондаревскийнинг иши тўғрисида кеча «Сельская жизнь» газетасида мақола босилди. Ўртоқ Бондаревскийнинг тажрибаси гоят диққатга сазовордир.

Г. Л. Риндин. Мол гўшти етиштириш — совхозда энг рентабелли соҳалардан бири.

Н. С. Хрушчев. Гўштга боқиладиган сигирларни соғяпсизларми?

Г. Л. Риндин. Йўқ, соғмаяпмиз. Говмуш сигирлар подасида бошқа наслли молларимиз бор, шу сигирларнинг ҳар биридан ўтган йили 2.200 килограмм сут олдик. Булар қизилдашт насли билан қалмоқи наслининг дурагайларидир.

Н. С. Хрушчев. Вазнида қандай тафовут бор?

Г. Л. Риндин. Бизда тоза қизилдашт наслининг ўзи йўқ. Дурагай сигирлар 400-420 килограмм келади, қалмоқи наслидан бўлган сигирлар эса 540-550 килограмм келади.

Н. С. Хрушчев. Бу масалани ўрганиб, анализ қилиб кўриш керак. Гарчи мамлакатимизнинг айрим дашт районларида сўқимбоп моллар боқиш эҳтимол мақсадга мувофиқ бўлса ҳам, чорва моллари сўқимбоп ва говмуш деб ажратиб юришга ҳамма қўшила бермаса керак.

Бироқ, қишлоқ хўжалиги энг тараққий этган мамлакатларда сут-гўшт берадиган чорва моллар боқиш тартибига амал қилишяпти. Сигир ҳам гўшт- ҳам сут беради. Буни мен, масалан, Данияда кўрдим. Данияликлар — чорвачилик соҳасида ниҳоятда уста одамлар экан. Дания чорвачилик соҳасида фақат Европа учун эмас, балки жаҳон практикаси учун ҳам намуна бўлиши мумкин. Суғбатлашган вақтимизда данияликлар чорва молларнинг фақат гўштнинг қимматига қўшиб юбориш лозим, албатта. Бунда сутдаги қаймоқ, сариёгнинг баҳоси ва гўштига нисбатан қиммат туришини назарда тутиш керак.

Менинг гапимни тўғри тушуниялар, мен сизларнинг хўжалигингиз тўғрисида гапираётганим йўқ. Гап чорвачиликни ривожлантиришда, гўшт ва сут етиштиришда танлаб олишимиз лозим бўлган йўл ҳақида боряпти. Бу масала ҳақида ҳозирча муайян бир фикрни айта олмайман. Конкрет шароитларга мувофиқ, бизда маълум вақтгача гўшт берадиган чорвачилик ҳам, сут-гўшт берадиган чорвачилик ҳам ривожланиб бораверса керак. Бундан ташқари, чорвачилик хўжалигини шартта қайта қуриб бўлмайди. Чорва моллар-нинг турли шароитларда боқилаётганини назарга олиб, ҳар иккала йўлни ҳам ўзига қўйиб бериш керак. Сизлардан яна шуни бир карра илтимос қиламанки, ҳаммасини ҳисоблаб кўринглар, иқтисодий жиҳатдан суриштириб кўринглар. Боқиш методлари ҳар хил бўлгач, харажатлар ҳам ҳар хил бўлади — шуларнинг барини ҳисобга олмоқ керак. Сут-гўшт берадиган чорва молларни соғиб туриш лозим бўлса, сўқимбоп чорва молларга фақат подачининг ўзи кифоя, суг соғувчиларнинг кераги йўқ. Шуларнинг ҳаммаси эътиборга олиниши лозим. Ҳар тарафлама ўрганиб чиққандан кейингина энг яхши йўлни танлаб олиш мумкин.

Г. Л. Риндин. Яхши. Биз бундай ҳисоб-китобларни тайёрлаймиз. Хўжалигимизнинг ривожланишини кўрсатувчи рақамларга мен яна баъзи рақамларни илова қилмоқчиман. 1953 йилда от заводида 944 ишчи бор эди, ҳозир 1.126 киши ишлаяпти.

1953 йилда от заводи 816 минг сўмлик маҳсулот етиштирган бўлса бу йил хўжалигимизнинг товар маҳсулоти 2 миллион 600 минг сўмлик бўлади, яъни уч баравардан зиёд кўпаяди. Бу, меҳнат унумдорлиги ошиб бораётганлигининг, ишчилар малакаси анча ошганлигининг далилидир, ишчиларимиз эндиликда озроқ меҳнат ва маблағ сарфлаб, анча кўп маҳсулот етиштирмоқдалар.

Н. С. Хрушчев. Бу — тўғри йўл. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳар бир хўжалик учун асосий вазифа ва ҳар бир совет кишисининг бурчи бўлмоғи керак.

Г. Л. Риндин. Келажакда хўжалигимиз ихтисослаштирилган шаклга кириб, галлачилик, майин жунли қўйчилик, шунингдек қорамолларни сўқимга боқиш билан шуғулланади. 1970 йилда бизда камида 4 миллион 900 минг сўмлик товар маҳсулот етиштирилади.

Н. С. Хрушчев. Қандай йўл билан?

Г. Л. Риндин. Дон етиштиришни кўпайтириш йўли билан.

Н. С. Хрушчев. Дон етиштиришни қайси негизда кўпайтирасиз?

Г. Л. Риндин. Ҳосилдорликни ошириш негизида.

Н. С. Хрушчев. Хўш, ҳосилдорликни қайси асосда оширасиз?

Г. Л. Риндин. Агротехниканинг мукаммалроқ методларини қўлланиш, серҳосил навларнинг сара уруғларини экиш ҳамда минерал ва маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш асосида.

Н. С. Хрушчев. Ҳосилдорликни қайси даражага етказишни ўйлаяпсиз?

Г. Л. Риндин. Бизда муттасил ҳосилдорлик 20-22 центнер атрофида бўлади, айрим йилларда эса биз бутун хўжаликда гектар бошига 26-27 центнер оламиз.

Н. С. Хрушчев. Ҳозир районлаштирилган навларга нисбатан яги навларнинг юксак даражада қисқартиряпмиз. Шунингдек молларнинг топширилдиган вазнини оширяпмиз. Совхоз 14 ойлик бўқаларни 400-450 килограмм қилиб топширишни ўзига мақсад қилиб қўймоқда.

Ишимизнинг умумий натижалари мана шулардан иборат: ўтган йили хўжаликнинг рентабеллилик даражаси 32 процент бўлди, бу йил 35-36 процентга кўтарилади, 1970 йилда рентабеллилик даражасини 62,8 процентга чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот етиштиришга сарфланган ҳар бир сўм эвазига ўтган йили 32 тийин фойда олинган бўлса, бу йил 35-36 тийин фойда олиниши кутиляпти.

Н. С. Хрушчев. От заводларининг таҳқид қилингани фойда бердими?

Г. Л. Риндин. Ҳа, таҳқид бизга жуда ёрдам берди. Биз ишлаб чиқаришни олга силжитиб, ўз имкониятларимиздан кенгроқ фойдалана олдик.

Н. С. Хрушчев. Яна бир масалани ўртага қўймоқчиман. Келинглар, ем-хашак мутахассислари билан ишлаб кўрайлик. Мамлакатимиздаги кўпгина файонлар чорва молларга едириш учун похолдан фойдаланяпти. Молларга бериш олдидан похолни тўйимли қилишни, ундан терт тайёрлашни ўрганиб олиш керак. Ҳар хил вақтларда бу масала хусусида анчагина таклифлар айтилди. Бир неча йил муқаддам олимлар похолга оҳак, оҳак сути аралаштириб беришни тавсия қилишди. Бошқа хил тавсиялар ҳам берилди. Гарчи ўша вақтда колхоз ва совхозларда емхашак ҳозиргидан кам бўлиб, силос учун маккажўхори ҳали кенг миқёсларда етиштирилмаётган бўлса ҳам, биз похолни ишлаш методларига эътибор бермадик. Башарти, бирон хўжалик ҳар бир сигир учун уч тонна силос бостириб қўйса, буни намуна қилиб кўрсатар эдик. Ҳозир кўпгина колхоз ва совхозлар ҳар бир сигир учун 10-15 тоннадан силос бостиряпти. Шундай бўлса ҳам, похолдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Келинглар, похолни тотлироқ қилиб, уни тўйимлироқ озуқага айлантиришнинг энг яхши йўллари тўғрисида олимлар билан бир маслаҳатлашиб кўрайлик. Силлар похолни бироқ нарса қўшиб тотлироқ қилишга уриниб кўрмадингларми?

Г. Л. Риндин. Похол қорамол учун яхши озуқа бўлиши мумкин, деган фикрдамиз. Биз қалмоқи қорамол боқмоқдамиз. Бунақа мол хўра бўлади. Уларнинг асосий овқати силос билан похолдан иборат. Хўжаликда кўпинча похолни майдалаб, молларга силос билан қўшиб берилади. Биз яхши натижалар олмоқдамиз. Ҳар бир сигир бутун қиш бўйи силос билан аралаштирилган икки тонна похол ейди.

Н. С. Хрушчев. Сизларнинг тажрибангиз диққатга сазовор. Аммо похолни молга беришдан олдин силосга аралаштирмай, балки уни силос бостириш вақтида силосга қўшиб юбориш яхшироқ бўлса керак. Похолни майдалаб қўйиш айниқса қорамоллар ва қўйлар учун озуқа запасини кўпайтирди. Илгаридар деҳқонлар буни уддалай олмас эдилар. Чунки уларнинг зарур химиявий воситалари йўқ эди.

Ҳозирги вақтда химия қишлоқ хўжалигига ёрдам берадиган бўлиб қолди. Похолни яхши озуқига айлантирмоқ учун химия фойдали моддалар бериши мумкин. Похол майдалайдиган асбоблар ўрнатилган комбайнлар керак. Бундай машиналарни аввало, чўлдаги совхозларга, қўриқ районлардаги совхозларга бериш лозим. Ана шундай колхозлар ва совхозлар тўппа-тўғри комбайнинг ўзи ва ҳосилдорлиги тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса ёзмаган, ҳеч ким ҳеч нарса ўйламаган, ҳеч ким ҳеч нарса ўйлаб топмаган, ҳеч ким ҳеч нарса ўйлаб топмаган, ҳеч ким ҳеч нарса ўйлаб топм

ЭКОНОМИКАНИ ЧУҚУР БИЛАЙЛИК,

ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН ЭНГ КЎП МАҲСУЛОТ ОЛИШНИ ЎРГАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1, 2- бетларда).

Хўжаликнинг далаларида похолни майдалаб ва шиббалаб берадиган асбоб ўрнатилган комбайн агрегати синовдан ўтказилмоқда. Таганрогдаги комбайн заводи конструкторлик бюросининг бош конструктори, Ленин мукофоти лауреати Х. И. Изаксон далаларни похолдан тозалаб берадиган машина яратганлигини ва далаларни похолдан тозалаш ҳақида ўзи таклиф қилган усулни айтиб берди. «СК-4» комбайнига похолни майдалаб берадиган асбоб билан бирга майдаланган похолни шиббалайдиган асбоб ҳам ўрнатиб қўйилади. Майдаланган похол сомон бўлиб, шу асбобга тушади, пресланиб, шиббаланиб той қилинади ва комбайн уни далага ўзи ташлаб кетаверади. Сўнгра махсус асбоб ўрнатилган трактор бу тойланган сомонни кўтариб олиб, даланинг чеккасига элтиб қўяди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев похолни шундай усулда йиғиштириб олишни кўздан кечирди, конструктор билан батафсил суҳбатлашди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев хўжаликни бориб кўриб ва Х. И. Изаксон таклиф қилган усулда похолнинг дала шароитида қандай йиғиштириб олинаётганлиги билан танишиб чиққанидан кейин Ростов областининг раҳбарларига ва от заводининг ходимларига бу масалага доир ўз мулоҳазаларини айтди.

Ерларни кузда шудгор қилиб қўйиш, деди Н. С. Хрушчев, келгуси ҳосилнинг негизидир. Дон янчиб олингандан кейин далаларни похолдан тозалаб қўйиш эса ерларни ўз вақтида шудгор қилишнинг энг биринчи шартларидан биридир. Қўриқ ерлар очилган ва йирик дон хўжаликлари ташкил этилган районларда, Қозоғистон ва Сибирда бу ишни тезроқ ўтказиш айниқса муҳим. Бунсус аравача ўрнатилган. Мен бу агрегатнинг қандай ишлашини бундан бир неча йил муқаддам кўрган эдим. Ўзи жуда содда бўлса ҳам, лекин бу агрегат энг оригинал бўлиб, масалани жуда тўғри равишда ҳал қилиб берган агрегат десам бўлади. Комбайнга майдалагич машина ўрнатиб қўйилган. Бугдой ёки бошқа донли экинлар янчилганидан кейин барабан чиқариб юборган похол мана шу майдалагичга ўтади, бу асбоб похолни майдалаб, сомонга айлантиради, бу сомон бошқа чўп-хашаклар билан бирга махсус труба орқали аравачага тушаверади. Бу аравачага 40 кубметр сомон сиғади. Буни бир ярим тонна сомон деса бўлади.

Бу сомонни дала чеккасига ташиб олиш учун ҳар бир комбайнга иккита мана шундай аравача тиркаб қўйиш кифоя қилади. Сомонни дарров катта хирмонга ёки моллар боқиладиган жойга элтиб қўйишни мақсад қилиб олишнинг кераги йўқ. Бу сомонни ташиб олмоқ учун ҳайдаладиган ердан юрмаслик мақсадида уни ҳайдалаётган ерга яқинроқ жойда тўплаб қўя бериш керак. Тажриба шуни кўрсатдики, сомонни ташиб олмоқ учун иккита аравача ва бир трактор бемалол кифоя қилади. Бу иш учун ғилдиракли трактордан фойдаланиш яхшироқ. Аравачанинг яхшилиги нимада? Бу аравачалар тез ишлайди, комбайн ўтиб кетиши билан, похолни дарров йиғиштириб олишга имкон беради. Шу туфайли ағнизларни тозаламоқ ёки, далада бегона ўтлар бўлмаса, дарҳол ерни шудгор қилмоқ учун дарров бу ерларга дискали бороналар солиб юбориш мумкин бўлиб қолади. Шу билан бирга сиз майдаланган похолни ва сомонни дарров йиғиштириб олиб, бир жойга тўплаб қўяверасиз. Майдаланган похол ва сомон эса молларни боқиш учун жуда яхши озуқа бўлади ва органик ўғитларни тўпламоқ учун моллларнинг тагига тўшаб қўйилади.

Бу методга, бу аравачаларга механизаторларнинг, совхоз ва колхоз раҳбарларининг эътиборини тортаётганлигимга сабаб нима? Бу аравачаларнинг яхшилиги шуки, улар билан ҳамма ишни бажарса бўлади ва бутун йил бўйи бу аравачалардан фойдаланиш мумкин. Бу аравача—тиркама прицепнинг ўзи. Агар сиз уни ғилдиракли тракторга тиркаб қўйсангиз, у билан дон, силосбоп хашаклар ва деҳқончиликдаги бошқа маҳсулотларни бемалол ташиб беришингиз мумкин. Бошқа юкларни ташиш учун, масалан, озуқаларни ташиш учун аравачалардан бемалол фойдалана берасиз. Агар бу аравачаларга тешиклари беркитилган четан ўрнатилса, унда дон ҳам ташиса бўлади.

Госплан зарур миқдорда маблағ ажратиши, саноат эса украиналиклар таклиф қилган агрегатларни ясаб бериши керак. Бу тадбирлар Марказий Комитет Пленумининг қишлоқ хўжалигини юритишнинг интенсив усулларига ўтиш тўғрисидаги қарорларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Бизнинг талантли конструкторимиз Ўртоқ Изаксон далаларни похолдан тозалаш проблемаси устида кўп ишлади. Унга ва унинг коллективига қилган хизматларини тақдирлаб, «СК-4» комбайнини яратганликлари учун Ленин мукофоти берилди. Ўртоқ Изаксоннинг вариантлари кўп эди. Зимовникидаги 163-от заводида мен унинг охирги вариантини кўрдим. Бу вариант похолни йиғиштириб олиш учун илгари ҳам таклиф қилинган вариантларнинг энг яхшиси деса бўлади. Бу агрегатни ўрганмоқчи бўлган кишилар қишлоқ хўжалик киножурналини кўриб, у билан танишиб олишлари мумкин. Журналда агрегат яхши кўрсатиб берилган. Мен бу журнални кўрганман ва от заводининг даласига борган вақтимда ўша агрегатнинг нималигини билиб борган эдим. Мен даланинг ўзида агрегатнинг қандай ишлаётганлигини ўз кўзим билан кўрдим.

Майдаланган похолни шиббалаш учун Ўртоқ Изаксон таклиф қилган машинанинг украиналар таклиф қилган аравачага нисбатан камчилиги аввало шуки, уни ясаш учун кўп металл кетади. Мен четан ўрнида ишлатиладиган сим тўрга кетадиган металлни айтмоқчиман. Лекин гап фақат шунинг ўзидагина эмас, Аравача прицепнинг ўзидир, ундан ҳамма иш учун фойдаланса бўлади. Аравачанинг ғилдираклари ва ўқига сарф бўлган металлнинг хизмати катта. Ундан ўрим-йиғим ишларидан бошқа ишларда ҳам фойдаланса бўлади. Тиғизлагич эса комбайнга осиб қўйилган агрегат бўлиб, фақат ўрим-йиғим ишларида фойдаланиш учунгина ясалган. Одатда ўрим-йиғим ишлари 15-20 кун давом қилади, бу иш тамом бўлгандан кейин тиғизлагич олиб қўйилади ва хўжаликка ҳеч бир фойда келтирмай, ўн бир ой бекор ётади.

Аравачанинг тиғизлагичга нисбатан бошқа афзалликлари ҳам бор. Тиғизлагичда тойланган сомон автоматик равишда ерга ташланиб кетила беради. Кейин пашшахага ўхшаш кўтаргич ўрнатилган трактор келиб, бу тойни кўтариб олиши ва муайян жойга элтиб қўйиши керак. Бунинг яна бир камчилиги шундаки, тойланган сомон ерга ташланганида сомон қолдиқлари ва тўпони ерга тўкилиб қолади. Бу қолдиқлар унчалик кўп бўлмаса ҳам, лекин шу жойда шу қолдиқлар билан бирга бегона ўтлар ҳам қолиб кетади.

Агрегат тойланган сомонни ерга қўяётган вақтида тойнинг устини титиб юборади. Ўртоқ Изаксон: бу камчиликни тузатса бўлади, деди, мен бунга ишонаман. Қалпоқни юқорироқ қилиб қўйиш мумкин, албатта, бундай қилинганида у тойланган сомонга тегмайдиган бўлади. Лекин шундай бўлса ҳам, тойланган сомоннинг усти остига қараганда унчалик тиғиз бўлмаганлиги сабабли шамол сомонни учириб кетаверади. Бу эса қиматли маҳсулотнинг нобуд бўлишига, бегона ўтларнинг уруғлари тупроққа чочилишига сабаб бўлади.

Тойланган сомоннинг оғирлиги унчалик катта эмас, бир тоннадан ошмайди, шу сабабли сомоннинг 15-20 проценти нобуд бўлади. Бу сомон тойлари дала чеккасига тўпланб қўйилган кулча нонга ўхшайди.

Ниҳоят, тиғизлагичдан фойдаланиш хўжаликни ғалла ўриб олингандан кейин ерни ишлайдиган машиналарни кетма-кет далага солиб юбориш, ағнизларни тозалаш, ерни ҳайдаш имкониятидан ҳам маҳрум қилиб қўяди. Шу сабабли менинг фикрим шуки, сомонни тиғизламоқ учун Ўртоқ Изаксон таклиф этган конструкция Украинанинг механизация институти таклиф этган аравача билан рақобат қила олмайди ва бу аравачага нисбатан унинг камчиликлари кўп. Бу аравача эса ҳозир хўжаликларда кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Фақат қилинган ҳисоб-китобларгина эмас, шу билан бирга тажрибанинг ўзи ҳам аравачанинг иқтисодий фойдаси кўплигини кўрсатиб турибди. Ҳосилни ўриб йиғиб олиш, ғалла янчиб олингандан кейин похолни тиғизлаб, ерга ташлаб кетадиган тиғизлагич ўрнатилган комбайн кетидан далада сомон тойларини йиғиштириб олиш учун уч сўм сарф бўлади. Аммо бунинг учун аравачадан фойдаланилса, бу ишга 1 сўм 43 тийин сарф бўлади.

Кўриниб турибдики, аравачадан фойдаланилганида ўрим-йиғим ишлари тиғизлагичдан фойдаланишга қараганда икки баравар арзонга тушади. Бундан ташқари аравача ишни тезлаштиради, ерни ўз вақтида шудгор қилиб қўйишга ва, роқни ўз вақтида тайёрлаб қўйишга имконият беради, деб ҳисоблайди. Кўриб турибсизки, бу — керакли ва истиқболи яхши ишдир. Госплан бу масалага доир тегишли таклифларни тайёрлаши, ҳукуматга тақдим этиши лозим, деб ҳисоблайман. Совхозлар ва колхозларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш, араваларни кўплаб ишлаб чиқаришни ҳамда қўриқ ерлардаги ва мамлакатнинг дашт зоналаридаги йирик хўжаликларни аравачалар билан биринчи навбатда таъминлаш учун керакли имкониятларни даҳоси қидириб топиш керак. Бу ишни албатта бажариш лозим.

Зимовники ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Д. Д. Шишов, партия комитетининг секретари А. Д. Третьяков, от заводининг директори Г. Л. Риндин, бош агроном А. А. Сибирко, бизда ҳайдаб экин экса бўладиган ерлар кўп, деган гапни айтишди. Лекин бу ерлар шўр босган ерлардир. Сизнинг районларингизда ер бетига тўкилиб ётган гипс ҳам кўп. Ҳозирги вақтда бу гипс бульдозер билан оддий усулда йиғиштириб олинмоқда. Бу гипсни йиғиштириб берадиган ва шўр босган ерларга шу гипсни сочмоқ учун хўжаликлар билан шартномалар тузиб, бунинг эвазига маълум ҳақ оладиган ва хўжалик ҳисобида ишлайдиган хўжалик ташкилоти тузмоқ учун бу масалани яхшироқ ўрганиб чиқиш керак.

Бундан ташқари менга яна шу нарсани ҳам айтишдики, шўр босган қўриқ ерларни очиш учун уч ярусли плуглар керак. Аммо бундай плуглар йўқ, ваҳолонки, саноат бундай плугларни ишлаб чиқармоқда. Ўртоқ Ежевский бу масалани ўрганиб чиқиш ва бундай плугларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида СССР Госпланига таклиф киритиши керак.

Сизларга айтиб ўтишни лозим топган мулоҳазаларим мана шу.

БУГУН — БИНОКОРЛАР КУНИ

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

БИНОКОР ЗНАЧОГИ

Йил бошида «Госсредазстрой» ҳамда қурилиш ва қурилиш материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Президиуми «СССР «Госсредаз строй»и социалистик мусобақа аълочиси» значогини таъсис этган эди. Қурувчилар куни арафасида энг юксак кўрсаткичга эришган ишчи ва инженер-техник ходимлардан 168 киши ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Мукофотланганлар орасида кўпгина ўзбек қурувчилари бор. «Узтрансспецстрой» трести 9-қурилиш-монтаж бошқармаси слесари Узганбой Аҳмадалиев, 8-қурилиш трести 11-қурилиш-монтаж бошқармасининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи Рамазон Ажисаанов, «Алмаликсвинчўстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси дурадгори Григорий Бондаренко, 160-қурилиш трести бошқарувчиси Абдусамат Абдуҳамидов, «Сурхансовхозстрой» 11-қурилиш трести 7-бошқармасининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи Бирхон Аҳадов, Самарқанддаги 150-қурилиш трести 3-қурилиш-монтаж бошқарма комплекс бригадаси бошлиғи Эркин Мавлонов сингари бинокорлар «СССР «Госсредазстрой»и социалистик мусобақа аълочиси» значоги билан мукофотландилар.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР

ПАРРАНДАХОНА КОРПУСИ

«Узглавстрой» 6-қурилиш трестининг коллективи Тошкент областида Қорасув паррандачилик фабрикаси қурмоқдалар.

Бинокорлар куни—неча бу паррандачилик фабрикасида 9 минг паррандани боқиш имконини берадиган янги паррандахона корпусини фойдаланишга топширдилар.

КОНСЕРВА ЗАВОДИ

150-қурилиш трестининг бинокорлари Самарқанд шаҳрида янги консерва заводини фойдаланишга топширдилар.

Консерва заводи йилига 19 миллион шартли банка консерва тайёрлаб чиқара олади.

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОМБОРИ

Гулистон шаҳрида «Узглавстрой»нинг бинокор ва монтажчилари янги минерал ўғитлар омборининг қурилишини тугалладилар.

Фойдаланишга топширилган омборда бир йўла 500 тонна минерал ўғит сақлаш мумкин.

М. СУЛТОНОВ.

ПЕШҚАДАМЛАР

Йирик панелли уй-жой қурилишининг афзалликлари кўп. Лекин «Гипростройиндустрия»ва «Узгосстроепроект» лойиҳалаш институтлари ишлаб чиққан йирик панелли уйларнинг типовой лойиҳаларини ва заводларда ишлаб чиқариладиган йиғма темир-бетон буюмларни тайёрлаш технологиясини янада такомиллаштириш мумкин. Бу—уйсозлик заводларининг ички резервлари бўлиб, шу орқали корхоналарнинг қувватини янада ошириш мумкин. 163-бинокорлик трестининг Бухоро «Крупнопанельжилстрой» бошқармасида шу резервлардан фойдаланиш мақсадида анча иш қилинди.

Лойиҳа бўйича ташқи девор панеллари уч қатламли бўлиб, икки темир-бетон плита орасига минерал момиқ қатлами ўрнатилади. Уни қолиплаш жуда мураккаб технологияни талаб қилади. Тайёрлаш процесси кам механизация лашган. Иссиқлик сақловчи қатламнинг қалинлигини текшириб туриш қийин. Натижада панелларнинг иссиқлик ўтказиш хусусиятлари пасайиб кетади.

Шу сабабларга кўра Бухоро уйсозлик комбинати 1962 йил февраль ойидан бошлаб бир қатламли керамзит-бетондан ташқи девор панеллари тайёрлашга ўтди. Бу тадбир буюмларнинг сифатини яхшилаш билан бирга 26,2 минг сўм иқтисодий тежам олиш имконини берди. Бир қатламли керамзит-бетон девор панелларни ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши ташқи девор панелларни йириклаштиришга, лойиҳадаги бир хона ўрнига икки хонага етарли қилишга олиб келди. Бундан ташқари уларни тайёрлаш бутунлай механизациялашди, натижада бир бино нархи 1000 сўм арзонлашди. Керамзит-бетон панелнинг бир кубометри 3 сўм 58 тийин арзон бўлди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, завод Юмалоқ заводи ишлаб чиқарадиган керамзитдан фойдаланади ва уни ташиш учун йўлнинг узоқлиги сабабидан бир кубометрининг нархи 12 сўм 80 тийинни ташкил қилади. Агар Қизилтепанинг бентонит тупроғидан Бухорода керамзит ишлаб чиқарилса унинг бир кубометрининг нархи 6 сўмдан ошмайди. Комбинатга четдан 1 кубометрининг нархи 12 сўм 60 тийин бўлган шағал келтириларди. Шағалнинг нархи комбинатга қимматга тушиши сабабли панелларни қумли бетондан ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва 1 кубометр бетоннинг нархи яна 5 сўм 93 тийинга арзонлашди. Шундай қилиб юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида умумий йиллик иқтисодий тежам 76 минг сўмни ташкил этди.

Биноларни монтаж қилиш процессида минора кранларини монтажи тамом бўлган бинодан янги-монтаж бошланадиган жойга бузмасдан кўчириш амалга оширилмоқда. Бу кранларни қисмларга ажратиб кўчириш ва уларни яна монтаж қилиш ишларига ҳожат қолдирмади, натижада қурилиш муддатларини қисқартириш ва ҳар бир бино қурилишида яна 300 сўм тежам олиш имконини берди.

Ҳозирги вақтда Газли посёлкасида лойиҳадаги яхлит қуйма пойдеворлар ўрнига йиғма темир-бетон пойдевор монтаж қилинмоқда. Бу 182 кубометр бетонни тежаш имконини берди. Ҳар бир йирик панелли уйнинг таннархи 8,2 минг сўм арзонлашди. Бухоро «Крупнопанельжилстрой» бошқармаси 1-Уз-464-3 серияли тўрт қаватли йирик панелли уйлар учун темир-бетон қозиқ тайёрлади ва қурилишга жорий этди. Бу билан ҳар бир уйни қуришда 1000 кубометр тупроқ қазиш ишларини бажаришга эҳтиёж қолмади. 200 кубометр темир-бетонни кам сарфлаш имкони очилди. Бино нархи 6.7 минг сўмга камайди. Бу ажойиб таклифнинг авторлари 163-бинокорлик трестининг бош инженери Ф. Барон, бошқарма бошлиғи Е. Темкин, бошқарма бош инженери А. Кузанов ўртоқлардир.

Ш. МАҲМУДОВ,
бинокор-инженер.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, наманганлик машҳур бинокор Абдулла Воҳидов шу йилнинг бошларида республикамизнинг ҳамма қурувчиларига мурожаат қилиб, етти йиллиннинг зарбдор қурилишларида суръатни янада кўтариш, қурилиш сифатини яхшилаш, бинокор деган номни мўътабар билиб, пок сақлашга чақирган эди. Республикамиздаги минг-минглаб бинокорлар Абдулла ака чақириғига лаббай деб жавоб бериб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтардилар.

А. Воҳидов бригадаси ҳаммаси қурувчилар сингари бинокорлар байрамини муносиб совғалар билан кутиб олди. Бригада аъзолари Наманганда қурилаётган штапель толадан шойи ва костюмлик газламалар ишлаб чиқарувчи комбинат қурилишида ғайрат билан ишламоқдалар.

Қурувчилар комбинатнинг биринчи фабрикасини 1966 йилнинг биринчи кварталида ишга туширадилар. Воҳидовчилар ҳам ана шу мамбуриятни бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Суратда: бригада аъзоларидан бир гуруҳи (чапдан ўнгга): Линор Абдурафиев, Исоқжон Маматхонов, Любовь Павленко, Ҳабибулла Жўраев, Абдулла Воҳидов ва Собиржон Пўлатов ўртоқлар.

И. Аҳметов фотоси.

ЧИЛОНЗОР ЧИРОҚЛАРИ

Чилонзор чироқлари,
Чилонзор чироқлари,
Нур билан йўғрилмишдир.
Яқину йироқлари,
Яқину йироқлари,
Чироқларни булар,
ё —
Ҳар кеч бўлиб маҳлиё
Кўкдан юлдузлар тушиб,
Бўлганми қўноқлари,
Бўлганми қўноқлари.
Ял-ял яшнар хиёбон,
Қизлар ўтар хиромон,
Йигит бўлсанг ёр танла,
Билмайсан доғу армон,
Кўз тутар янги уйлар,
Қилайлик катта тўйлар,
Ҳар хонада янграсин
Куй устига шўх куйлар,
Чилонзор чироқлари —
Меҳримнинг булоқлари.
Турфа тилда суҳбат бор,
Келинг дўст, иноқларим,
Яқину йироқларим.

Зоҳиджон ОБИДОВ.

ҚУРИЛИШЛАР ЎЛКАСИ

А. КАРИМОВ,
«Узглавстрой» бошлиғи, Ўзбекистон ССР министри.

Бинокорлар республикамиз ишлаб чиқариш кучларини янада барқ уриб ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимиз жамолини очишда жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг юбилейни муносиб совғалар билан нишонлаш юзасидан ўлкамиз меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатида бинокорлар тўғрисида илиқ сўзлар айтилган. «Ҳиммати баланд бинокорлар, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустриясининг меҳнаткашлари, — дейилади Мурожаатда, — ўз касбиорингизга яраша иш қилингиз!» Мурожаатдан руҳланган бинокорларимиз ўз касбиларини улуғлаб яхши ном қолдириш учун астойдил интилмоқдалар.

Бугун, қурувчиларнинг байрами куни тез.соз ва арзон қуришга отланган бинокорларимизнинг ишлари ҳақида қисқача гапириб ўтмоқчиман. Гапни улкан химия корхоналари барпо этиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга, шу тариқа КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётган бинокорларнинг ишларидан бошламоқчиман. Маълумки, бу йил минерал ўғит ишлаб чиқаришни 1 миллион 800 минг тоннага етказиш мўлжалланяпти. Сульфат кислотаси ва бошқа химия маҳсулотлари тайёрлаш, айниқса тез ўсади. Бунинг учун эса Фарғона азотли ўғитлари заводида дефолиантлар тайёрловчи цехни ишга туширишимиз, Самарқанд суперфосфат заводида сульфат кислотаси ва фосфор ўғитлар тайёрлашни кўпайтиришимиз, Чирчиқ электрохимия комбинатида эса янги қувватларни ишга туширишимиз керак. Етти ойлик иш натижалари қурувчиларимиз химия саноатининг янги корхоналарини барпо этиш юзасидан катта ва масъулиятли вазифаларни бажаришга қодир эканликларини кўрсатиб турибди. Чирчиқ бинокорларининг ютуғи бизни, айниқса хушнуд этяпти. 160- трест бинокорлари «Узглавстрой» ташкилотлари ўртасида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Трест азаматлари карбамид ишлаб чиқариш бўйича цехлар комплексини ишга туширдилар. Бинокорлар куни арафасида электрохимия комбинатида аммиак селитрасини донадор селитрага айлантиручи минора ишга туширилди. Бу объектни барпо этишда Черенков, Баришников ўртоқлар бошлиқ бригадалар унумли ишладилар. Самарқанд суперфосфат заводида янги объектлар қураётган 150- трест коллективи яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Бу ерда етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани 1,5 баравар ошириб бажарилди. Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, суперфосфат заводида янги қувватлар муддатидан илгари ишга тушади.

Фарғона бинокорлари ҳам чакки ишлашмади. Кейнинги етти ой ичида нефтни қайта ишлаш заводида кокс установкаси, азот ўғитлар заводида аммиак цехи, фуран бирикмалари химия заводида эндотал цехи, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида янги усукуна ишга туширилди. Ҳозир 8- қурилиш трестининг 5- бошқармаси дефолиантлар цехини белгиланган муддатда ишга туширишга учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу цехни қуришда В. Бекк ва Ф. Сулаймонов бошлиқ комплекс бригадалар аъзолари намуна кўрсатиб ишладилар.

«Узбекшахтострой» трестига қарашли 1- қурилиш бошқармаси коллективи социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришда намуна кўрсатмоқда. Бу бошқармаларнинг меҳнатсевар қурувчилари пластмассадан қурилиш материаллари ва буюмлари тайёрловчи комбинатни муддатидан бир йил илгари қуриб битказишга аҳд қилганлар. Комбинатнинг биринчи навбати Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг юбилейи арафасида ишга тушади.

Химия объектлари бўйича етти ойлик план ошириб бажарилди. Йил бошларида Янгийўл гидролиз ва «Узбекхиммаш» заводларидаги объектларда қурилиш бирмунча суст борган эди. Химия объектларини барпо этаётган бинокорлар зиммаларидаги мажбуриятларни қаттиқ ҳис этиб, ана шу объектларда ҳам суръатни анча тезлатдилар. Олтинтопган кўргошин-рух комбинати ҳузуридаги сульфат кислотаси цехи қурилишида иш жонланди. Фарғонадаги ацетат шойи заводи қурилишида ҳам суръат ошиб бормоқда.

Етти ой ичида бинокорларимиз Қарши ёғ заводида экстракция цехини, Хонқада пахта тозалаш заводини, Зирабулоқда компрессор станциясини, Фарғона тўқимачилик комбинати ва Тошкент парранда фабрикасида янги цех ва усукуналарни, Қарши шаҳрида керамика буюмлари заводини, Қўқонда йигирув-тўқув фабрикасини ва бошқа яна бир қанча саноат корхоналарини ишга туширдилар.

Байрам арафасида фақат ютуқларимиз тўғрисида гапириш жоиз бўларди. Аммо шуни рўй-рост айтишимиз керакки, ҳали ишимизда жиддий камчиликлар ҳам бор. 1963 йилнинг биринчи ярмига нисбатан шу йилнинг 6 ойи ичида 12,6 процент кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса ҳам, аммо бу соҳадаги план фақат 94,7 процент бажарилди, холос. Урганч, Нукус ва Термиздаги қурилиш трестлари ҳали ҳам орқада қолмоқдалар. Қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада яхшилаш, илғор иш усулларини кенг пропаганда қилиш, механизмлар қувватидан унумли фойдаланиш ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бинокорлик трестлари ва бошқармалари коллективлари камчиликларни бартараф этиш, резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун жиддий кураш олиб бормоқдалар.

«Узглавстрой» бинокорлари маданий-маиший биноларқурилишига ҳам катта эътибор бермоқдалар. Етти ой мобайнида 246 минг 902 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йили қурилганига нисбатан қарийб 50 минг квадрат метр кўпдир. Шу йилнинг олти ойи мобайнида мактаб, мактаб-интернат, мактабгача ёшдаги болалар учун муассасалар қуриш, шунингдек кинотеатрлар ва клублар қуриш плани ошириб бажарилди. Демак, бинокорларимиз совет кишиларининг турмуши ва маишатини янада яхшилаш ишига муносиб ҳисса қўшяптилар.

Республикамиз бинокорлари машъал қурилиш ташкилотлари — Чирчиқдаги 160, Намангандаги 10, Самарқанддаги 150- трестларнинг, Бухородаги 986- қурилиш бошқармасининг, Янгийўлдаги қурилиш-монтаж бошқармасининг машъалларга тажрибасини қунт билан ўрганиб ва уни амалда жорий этиб, республикамиз учун шонли юбилей йили бўлган 1964 йилда катта муваффақиятларни қўлга киритадилар.

ҒАЛЛА ФРОНТИДА

Узбекистон ССР областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1964 йил 8 августга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Мавсумда	Бир кунда
СИРДАРЁ	139,6	0,8
ҚАШҚАДАРЁ	133,6	1,5
САМАРҚАНД	103,5	0,6
БУХОРО	100,2	—
ТОШКЕНТ	100,1	—
Андижон	94,7	0,2
Фарғона	70,9	—
Сурхондарё	70,1	0,8
Хоразм	4,5	0,2

3 СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

9 АВГУСТ 1964 ЙИЛ
№ 185 (12.839).

Мирзачўлда пахта билан бир қаторда янги-янги боғ-роғлар бунёд этилмоқда. Айниқса Герман Титов номли 6-совхоз боғлари ниши диққатини ўзига тортади. 32 гектар ердаги шафтолизор ҳосилини кўз-кўз қилиб турибди. Гектаридан 50 центнердан шафтоли териб олинмоқда.

Суратда: совхозда шафтоли териш пайти.

А. Горокрин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

КОНДУКТОР

Трамвай ўрнидан қўзғолиши билан ёш қизчани етаклаб олган мўйсафид қўлини силкитди. Хатима опа вожатийга сигнал бериб, трамвайни тўхтатгач, чол:

— Қизим, трамвай Кўкчага борадими, — деб сўради.

— Ҳа боради, тезроқ бўлинг,— деди-да, Хатима опа имиллаб чиқаётган чолга ёрдамлашди.

— Йўловчилар бугун кўп, менинг ўрнимга ўтира қолинг ота, — кондукторнинг бу гали орқа ўринда ўтирган ёш йигитга тегиб кетди шекилли, ўрнидан турди:

— Мана бу ёққа ўтаринг, отахон, — таклиф қилди йигит.

Чол Самарқандан эканлигини айтиб Райхон кўчасида турувчи қизиникига бораётгани, шу кўчани топишда ёрдам беришини илтимос қилди. Трамвай Кўкчага келиб тўхтагач, Райхон кўчасига кетаётган бир кишига чолни қўшиб юборди. Қария Хатима опага беҳад миннатдорчилиқ билдирди. Бу Хатима опанинг иш даврида ҳар куни бўлиб турадиган воқеалардан биридир.

Шаҳримизга ҳар куни мингларча меҳмонлар келишади. Бу меҳмонларга йўл кўрсатиш, уларнинг кўнглига қараб, яхши муомалада бўлиш Хатима опага ўхшаганларнинг зиммасига тушади.

Хатима Пўлдошева 1938 йилдан буён 2-трамвай депосида кондуктор бўлиб ишлайди. Дастлабки йилларда анча қийналди. Трамвайга чиқиб тушувчилар кўп, уларнинг ҳар қайсиси ҳар ердан, ҳар хил характердаги одамлар. Бири хафа бўлиб кетяпти, бири хурсанд. Шуларнинг кўнглига яраша муомала қилиши, истаган остановкаларига етказиши керак.

Хатима опа ўтган йили планини 120 процент бажариб, Тошкентдаги 2-депода биринчи ўринни олишга муваффақ бўлган эди. У ҳозир ҳам пешқадам. Уз постида сергак ишлаб, йўловчиларни хушнуд қиляпти.

П. ГАДОЕВ,
Ф. ШАҲИСМОИЛОВ.

Янги қўшиқлар

ҲАМИД ҒУЛОМ

ЁР, КЕЛ

Боғимга ноз ила, ёр, кел,
Қувноқ овоз ила, ёр, кел.
Сеники бу чаман, бу гуллар,
Сеники куйлаган булбуллар.
Куйлаб соз ила, ёр, кел.
Дилимда ғазалим, сен ёз,
Мен айтай, ғўзалим, сен ёз.
Ишқимиз яшасин қуёшдай,
Сўзимиз порласин оташдай.
Сеники бу чаман, бу гуллар
Сеники куйлаган булбуллар,
Куйлаб соз ила, ёр, кел.

Анвар ИСРОИЛОВ

ЁШЛИГИМИЗ — ҒАЗАЛХОН

Куйлайлик, келинг, дўстлар,
Қўлимизга тор олиб,
Куйлайлигу нулайлик
Даврани қатор олиб.
Чаманда гул мастона,
Қизарсин ёна-ёна,
Бизнинг нулгу олдида
Кулмоқликни ор олиб.
Уртада ҳиром этсин,
Кўнгилларни ром этсин,
Шўх қизлар, зебо қизлар
Дилдан ихтиёр олиб.
Куйга жило берайлик,
Жарангласин чиройлик,
Гулгун қаётимиздан
Илҳому мадор олиб.
Ёшлигимиз — ғазалхон,
Бахтни мадх этар равон,
Куйлайлик, келинг, дўстлар,
Қўлимизга тор олиб.

ҲАБИБИЙ.

У М И Д

Бахту иқбол истасанг, қил илму урфондан умид,
Илму урфонинг билан инсофу виждондан умид.
Бе сабаб мақсад муяссар бўлмоғи мумкин эмас,
Ақлу дониш бирла излаб топган имкондан умид.
Нозу неъматдан фаровон бўлмоғин аҳли жаҳон,
Ҳар маҳал ҳар ким қилур деҳқону боғбондан умид.
Қондириб хўп сув билан аввал билимдонлар билиб,
Сўнгра қилгай ташна ҳар дашту биёбондан умид.
Узни кўрсат халқ аро, ибрат намо меҳнат билан,
Бўлса қалбингда агар, хирмон тўла дондан умид.
Уйласанг, оламни обод этган инсон қудрати,
Эй, Ҳабибий, узмагил қудратли инсондан умид.

ГУЛ ЧИРОЙГА МАҲЛИЁ

(Романс)

Хаёл кезар... ўлтирибман тошқин сойга маҳлиё,
Чеҳрангизга тўймай боқдим, гўё ойга маҳлиё.
Севдим сизни, айтолмайман... севгимда эзгу ният,
Не чораким, лол қоламан қоши ёйга маҳлиё.
Юрагимда жўшқин севги сойлар каби тошади.
Тошқин қалбим мафтун этган гулчиройга маҳлиё.
Қўлингиздан аста тутдим, кўрдим лабда табассум,
Табассумни тақдим этган тўлин ойга маҳлиё.

МАЪРУФ ҚОРИЕВ.

СУТ СОҒУРМАН ГУЛ-ГУЛ ЁНИБ

Кулиб-кулиб, кумуш сочиб тонг отади,
Тонг еллари эркалатиб уйғотади.
Жондан севган говмушларим парваришлаб,
Қаймоқ соғиб, ширгинда завқ ортади.
Баланд тоғлар чўққисидан қор аримас,
Бир ёқадан бош чиқарган эл ҳоримас.
Хазони йўқ бир гулдирман диёримда,
Ҳур меҳнатни суйган киши ҳеч қаримас.
Белга гушган қирқ кокилим толим-толим,
Меҳнатимдан кулгай менинг бахт-иқболим.
Сут соғурман гул-гул ёниб, чақ-чақ кулиб,
Ортиб борур ҳурмат ила эътиборим...

ЯМИН ҚУРБОНОВ.

ҒЎЗА ГУЛЛАРИ

Ғўза гуллапти, кўринг, раъногa ўхшар гуллари,
Ғунчалаб, гўлқин уриб, зебога ўхшар гуллари.
Пахтазор ичра юрур парвонадек эл қизлари,
Ҳар бири гул юзли шу барнога ўхшар гуллари.
Ҳар чиқол бу дилраболар қаддига монанд эрур,
Шу ғўзаллар ҳуснига шайдога ўхшар гуллари.
Барги атласдин чафиброқ, ҳар момиқдин ҳам майин,
Косаси олтин гўла кимёга ўхшар гуллари.
Ҳар гул ичра бир сиқим оппоқ момиқ ҳосил бўлур,
Кўплашиб мавж урсани дарёга ўхшар гуллари.
Пахтазор ичра юриб, кўнгилда топди шу қарор:
Бахт-ҳузур, келтиргучи дунёга ўхшар гуллари.

ҲУЗУРИЙ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РУС ФАНИНИНГ ИФТИХОРИ

(Улуғ рус физиги А. Г. Столетов туғилган кунга 125 йил тўлиши муносабати билан)

Эксперименталь ва назарий физиканинг ривожланишидаги гоят катта силжиш Столетовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. У электростатика, магнетизм, электромагнетизм билан, жисмларнинг ҳолати ва фотоэлектр ҳодисалари билан шуғулланди. А. Г. Столетов физиканинг ҳамма соҳаларида изланувчи назариётчи, ҳормас тажрибакор ва моҳир методист сифатида ўзининг ёрқин ва оригинал олим эканлигини кўрсатди.

1874 йилда Столетов илғор олимларнинг ёрдами билан Москва университетида Россияда биринчи физика лабораторияси ташкил этди. У бунинг учун бениҳоя катта меҳнат сарф қилди, халқни маърифатли қилиш тўғрисида бош қотиришни истамаган чоризм чиновникларнинг қувғинларига бардош берди. Лаборатория қисқа вақт ичида Россиянинг физика соҳасидаги илмий тафаккур маркази бўлишгина қолмасдан, балки шу билан бирга, халқаро миқёсда ҳам эътироф қилинди. 1881 йилда Парижданги халқаро электротехника виставкасига тайёрлаб юборган экспонатлари учун лабораторияга «Ҳамкорлик дипломи» берилди.

Столетовнинг лабораториясида электр токининг газга таъсирини ўрганиш юзасидан жуда муҳим тажрибалар ўтказилди. Лаборатория ёруғликнинг газдаги электр разрядларига таъсир қилиши вақтида вужудга келадиган энг муҳим қонуниятларни кашф қилди. Бу қонуниятлар ҳозирги вақтда «Столетов қонуни» ва «Столетов константи» деган ном билан машҳурдир.

Столетов ўз уйида физика тўғараги ташкил қилди, бу тўғарак аъзолари кейинчалик атоқли рус олимлари бўлиб етишдилар. Тўғарак табииёт ҳаваскорлари жамиятининг физика бўлимига айланди. Столетовнинг ўзи эса унинг раиси қилиб сайланди.

Олим Парижда 1889 йилда чақирилган электрчилар халқаро конгрессининг вице-президенти, табииётшунос врачларнинг 1894 йилда чақирилган Бутунроссия съезди физика секциясининг раиси қилиб сайланди.

Тўқсонинчи йилларда фан доирасида идеализмнинг янги турлари салбий таъсир кўрсатаётган ва тарқала бошлаган вақтда Столетов Оствальд, Маха ва шу кабиларга қарши чиқиб, уларга шиддатли зарба берди. В. И. Ленин ўзининг гениал асари «Материализм ва эмпириокритицизм»да ўзил-кесил фош қилиб ташлаган материализм душманлари Оствальд ва Мах ана шулар эди.

Чор ҳукумати Столетовнинг маърифатпарварлик фаолияти кенг тарқалаётганлигини қаҳр-ғазаб билан кузатиб борди. Чор ҳукумати уни студентларнинг ғалаёнларига малал беришда айблади ва «ярамас феъл-атвори» учун деб уни академиядан номоддиндан чиқариб ташлади.

Столетов оғир касалликка дучор бўлганига қарамай, ўзида дарсликлар ёзиш учун куч-ирода ва жасорат топди. Ўзи ташкил қилган лабораторияга келиб, ёш олимларга бепул ва бегараз ёрдам кўрсатди. У таъқиб ва қувғин остида 1894 йил. да вафот этди.

Мамлакатимиз халқлари улуғ маърифатпарвар, ватанпарвар, рус фанининг ифтихори Александр Григорьевич Столетовнинг хотирасини ҳамиша ёдда сақлайдилар.

Б. ПОЛЯКОВ.

КЎР КЎЗДА ЗИЁ

Ун тўрт яшар Саша кўр бўлиб қолди. Врачларнинг тахминлари бўйича, унинг кўз қорачиғи орқасидаги ойнасимон қисм нурни ўтказмай қўйган.

Ожиз болани қишлоқдан Чувашистон марказидаги Гольмгольц номидаги Чебоксари Давлат илмий текшириш институтига келтиришди. Коридорларда беморлар ўтиришибди. Уларнинг ҳар бири оқ халат қийган кишилардан нажот кутади... Беморларнинг аксарияти бир хилдаги касаллик — қорачиғ орқасидаги қисмнинг хиралашиб қолиши натижасида кўр бўлган. Табиатнинг бу ажойиб линзасини қандай қилиб ойдинлаштириш мумкин? Бу фикр ёш врач Святослав Фёдоровни кўпдан буён ўйлантириб келарди... Мана, Саша ҳам... Бу бола дунёни кўрадими ё умрбод шу ҳолда яшайдими? Жуда оғир аҳвол. Наҳотки, наҳотки, бу касалликнинг сирини очиб бўлмаса! Касаллик қандай пайдо бўлиши маълум. Лекин уни даволаш йўли топилмаяпти.

Святослав жуда кўп тажрибалар ўтказди. Ишдан кейин кўчада юрганда ҳам, сайрга чиққанда ҳам, автобус остановкасида турганда ҳам, таниш-билишлари билан суҳбатлашганда ҳам ана шу ҳақда ўйлардди. Фақат Фёдоров эмас, бошқа шаҳарларда, бошқа мамлакатларда ҳам ўнлаб олимлар, табиблар бу ҳақда ўйлардилар. Москвада ёш хирург — Михаил Краснов, Куйбишевда — медицина институти кўз касалликлари кафедрасининг мудири Тихон Ерошевский, Чехословакияда — академик Вихтерле шу масала устида ишлардилар. Булар бир-бирлари билан тез топишиб, мустаҳкам алоқа боғлашди. Уз тажрибаларининг натижаларини бир-бирларига маълум қилиб туришди.

Святослав ўз касалхонасида жасурлик билан янги операция ўтказди. У беморнинг кўзига Германиядаги Цейса заводида махсус ойнадан тайёрланган кўз қорачиғи орқасидаги сунъий қисмни ўрнатди. Шунда кўп врачлар бу операцияга қарши чиқиб, бемор умр бўйи кўр бўлиб қолади, деган фикрни айтдилар.

Святослав сунъий қорачиғ яхши натижа бермаганлигини илгаридан биларди. Лекин бу врачнинг хатоси эмас-ку! Эҳтимол операция нотўғри қилингандир. Ёки қорачиғ ярақсиз материалдан ясалгандир? Фёдоров кўзнинг бу қисмини пластмассадан ясашга қарор қилди. Пластмасса тирик тўқималар билан уйқош бўлиб ўсиб кетиши мумкин. Лекин шундай пластмассани қандай топиш керак?

Фёдоров кунни тунга, тунни кунга улаб ўтказди. Тажрибалар, полимерлар химияси тўғрисида китоблар, яна тажрибалар, яна китоблар... У ўз тажрибаларининг натижаларини Соғлиқни сақлаш министрлигига, хирург Красновга, Ерошевскийга маълум қилиб турди. Академик Вихтерле унга Чехословакиядан янги турдаги пластмассалар юборди.

Яна тажрибалар бошланди. Ниҳоят Святослав полимерлардан—метилметакрилатени танлади. Бу жисм ёруғликни яхши синдиради, тирик тўқималар билан уйқош бўлиб ўсади, инсон организмига зарар етказмайди. Ана шунда яна бир муаммо кўндаланг бўлиб қолди. Энг уста заргарлар ҳам кўз қорачиғи орқасидаги бундай қисмни ясашдан бош тортдилар. Атоқли слесарь Семён Мильман Святославга ёрдамга келди. Мильман оғирлиги 20 миллиграммдан ҳам оз бўлган биринчи сунъий кўз қорачиғи орқасидаги ойнасимон қисмни ясади. Ёш врач ўз тажрибаси тўғрисида Москвада, олимлар конференциясида доклад қилгунча анча вақт ўтди. Ҳайвонлар устида ўтказилган тажрибалар яхши натижалар берди. Лекин асосий қийинчилик олдинда турарди.

Мана, операция столида кўр қизча ётибди. Ҳозир унинг тақдири, унга ўхшаган жуда кўп ожизларнинг тақдири, Фёдоров тажрибаларининг тақдири ҳал бўлади. Орзу-умидлар амалга ошадими-йўқми, кўр кўз яна очилиб, оламни кўрадими-йўқми? Операция муваффақиятли чиқди.

«Сизга раҳмат, — деб ёзди кейинроқ ўша қизча ўз шифокорига, — менинг кўзим сира оғримаяпти, ҳамма нарсани кўраяпман. Раҳмат...» Фёдоров Чувашистоннинг узоқ қишлоғидан келтирилган ўн тўрт яшар Сашадан ҳам яқинда ана шундай мазмундаги хат олди. Ҳозир Святославнинг тажрибаси мамлакатимиздаги врачлар ўртасида кенг ейилмоқда

Фёдоров ҳозир Архангельскда яшамоқда. У медицина институтининг кўз касалликлари кафедрасига раҳбарлик қилиш билан бирга Чебоксарида бошваган олижаноб ишини давом эттираётир.

Александр ЕФИМЬЕВ.

Олам янгиликлари

АЛЕКСАНДР ЗАВАДСКИЙНИНГ ВАФОТИ

ВАРШАВА, 7 август. (ТАСС). ПАП агентлиги хабар беради:

Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети, Польша Халқ Республикасининг Давлат ҳукумати Давлат кенгашининг раиси, Халқ бирлиги фронти Умум Польша комитетининг раиси- Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Александр Завадский узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1964 йил 7 августда соат 15 дан 05 минут ўтганда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

ҲОМИЙЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН, 7 август. (ТАСС). Давлат департаменти АҚШ ва Бельгия кейинги вақтларда Конгодаги аҳвол тўғрисида музокаралар олиб борганлигини эълон қилди. Баёнотда айтилишича, давлат секретарининг ўринбосари Гарриман бу музокараларни Бельгия ҳукумати билан ва Бельгиянинг савдо-саноат доиралари вакиллари билан давом эттириш учун самолётда Брюсселга учиб кетади.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ МАКТУБИ

ХАНОЙ, 7 август. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Суан Туй 1954 йилда Женевада ўтказилган кенгашнинг раислари ва қатнашчиларига ҳамда Вьетнам масаласи юзасидан тузилган халқаро комиссияда вакиллари бўлган давлатларга мактуб билан мурожаат қилди.

Мактубда бундай дейилади: Қўшма Штатлар ва уларнинг агентлари тўрт кундан буён игвогарлик мақсадида сурункасига беш марта ҳужум қилиб, Вьетнам Демократик Республикасининг осойишталигини хавф остида қолдирдилар. Америка Қўшма Штатлари ва унинг қўғирчоқлари Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилиш ва ўққа тутиш учун кейинги бир неча кун ичида самолётлар ва ҳарбий кемалар юборяётганлиги уларнинг игвогарлик, қўпорувчилик ҳаракатлари жуда хатарли оқибатларга сабаб бўладиган янги босқичга ўтганлигини исбот қилади.

Мактубда таъкидлаб ўтилганидек, АҚШ ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасига қарши игвогарлик ва қўпорувчилик ҳаракатидан иборат ўз режаларини кенгайтириб, шу мақсадда Лаос территориясидан ва Лаоснинг Америка тарафдор партияси қуролли кучларидан фойдаланди.

АҚШ ҳукумати ва унинг агентларининг бундай ҳаракатлари Ҳинди-Хитойда жуда хатарли ҳолатни вужудга келтирди ҳамда ер юзининг ана шу қисмида тинчлик ва хавфсизликни таҳлика остида қолдирди.

Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги, дейилади мактубда, АҚШ ҳукумати ва унинг Жанубий Вьетнам ҳамда Лаосдаги малайларининг Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда ва Лаос масаласи юзасидан 1962 йилда Женевада тузилган битимларни бузиб, Вьетнам Демократик Республикаси суверенитети ва территориал бирлигини сурбетларча бузишларига қарши қатъий норозилик билдиради. Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги Ҳинди-Хитой ва Лаос масалалари юзасидан Женевада ўтказилган кенгашларнинг раислари ва қатнашчиларидан ҳамда кузатиш, контроль қилиш халқаро комиссиясида вакиллари бўлган мамлакатлардан АҚШ ҳукумати ва унинг қўғирчоқларини Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларни ҳурмат қилиш ва бу битимларга қаттиқ риоя қилишга мажбур этиш ҳамда Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилинаётган хатарли игвогарликларни тезликда тўхтатиш учун шошилинч ва қатъий чоралар кўришни илтимос қилади.

ХАЛҚЛАР ТАЛАБИ: АҚШНИНГ АГРЕССИЯСИ ТЎХТАТИЛСИН

ГДР

Германия Демократик Республикасининг ҳамма қисмида Америка ҳарбийларининг Тонкин қўлтиғидаги агрессив ҳаракатларига қарши норозилик ҳаракати кучайиб кетди. Саноат корхоналарининг коллективлари, жамоат ташкилотлари АҚШ президенти ва Хавфсизлик Кенгаши номига телеграммалар юбориб, Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилинган агрессияни қоралайдилар ва Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни талаб қиладилар.

БОЛГАРИЯ

Болгария тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитети Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига телеграмма юборди. Бу телеграммада АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракатлари муносабати билан норозилик билдирилади. Тинчлик учун нурашувчи болгарлар Хавфсизлик Кенгаши бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги хатарли агрессиясига чек қўйсин, деб талаб қилмоқдалар.

ҲИНДИСТОН

Деҳлида оммавий намойиш бўлди. Намойиш қатнашчилари шаҳар кўчаларидан ўтиб, АҚШ элчихонаси биносига келдилар. Улар бу ерда Америка элчихонасининг вакилларига норозилик меморандумини топширдилар. Бу меморандумда Америка ҳарбийларининг Шарқи-Жанубий Осиёдаги игвогарлик ҳаракатлари бутун ҳинд халқини қаттиқ ғазаблантирганлиги тўғрисида гапирилади.

Элчихона биноси олдида ўтказилган митингда жуда кўп ниши қатнашди.

ФРАНЦИЯ

Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг француз халқига қарата чиқарган мурожаатида бундай дейилади: Франция Коммунистик партияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилган Америка империализмининг янги агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қоралайди.

Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси айтадики, бунда гап олдиндан ўйлаб қўйилган ҳужум тўғрисида бораётир. Бунинг учун бутун жавобгарлик Қўшма Штатлар ҳукумати зиммасига юкланади.

Франция Коммунистик партияси, дейилади мурожаатда, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва халқи билан ҳамда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари билан тамомила бирдам эканлигини билдиради. Франция Коммунистик партияси кенг нўламда жипслашиб ҳаракат қилишга даъват этади. Ана шу ҳаракат давомида француз халқи агрессияни қоралаб, янги уруш хавфини бартараф қилишга ёрдам бериши керак.

ФИНЛЯНДИЯ

Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий бюроси баёнот эълон қилди. Бу баёнотда АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қилган ҳужумига қарши норозилик билдирилади. Баёнотда бундай дейилади: АҚШ ҳукумати бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини содир бўлган факт олдида томошабин қилиб қўйиб, ўз агрессиясини ана шу халқаро ташкилотнинг маъқуллашига эришмоқчи бўлади. Айни вақтда Америка ҳарбий қўмондонлиги қўшинларнинг ҳамма турлари жангга шайлантириб қўйилганлигини эълон қилди. Бу эса Америка ҳарбий қўмондонлигининг ўз агрессияси доирасини кенгайтириш niятда эканлигини исбот қилади.

Финляндия Компартияси сиёсий бюроси фин халқини ҳозирги вақтда ер юзининг турли қисмларидан АҚШ ҳукуматига кўплаб юборилаётган норозилик ва талабларга қўшилишга даъват этади.

АНГЛИЯ

Лондоннинг неча юзлаб аҳоли Американинг Узоқ Шарқидаги янги игволарига қарши норозилик билдириш учун 6 августда икки жаҳон қишиларнинг ҳайкали олдига тўпланди. Шундан кейин намойиш қатнашчилари Америка элчихонасига қараб йўл олдилар ва элчихонага мантуб топширдилар. Бу мантубда Шарқи-Жанубий Осиёдаги хатарли низодан ҳамма астойдил ташвишланаётганлиги билдирилади. Уруш ҳаракатларини тўхтатиш чоралари кўрилишини талаб этган мантуб бош министр Дуглас-Хьюм резиденциясига ҳам топширилди.

НОРВЕГИЯ

Норвегия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда эълон қилган баёнотида бундай дейилади: Қўшма Штатлар жаҳонни яна ялпи уруш хавфи остида қолдирди.

Биз, дейилади баёнотда, мамлакатимизнинг ҳукумати халқаро тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, Норвегиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги делегациясига АҚШнинг игволари ва агрессиясини дарҳол тўхтатиш мақсадида аниқ йўл тутиши тўғрисида кўрсатма беришини талаб қиламиз. (ТАСС).

КОНГОДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 7 август. (ТАСС). Кейинги вақтларда Конгодан олинган хабарлар Конго қўзғолончиларининг қуролли кучлари мамлакатнинг шарқида ва шарқи-жанубида операцияларни муваффақиятли суратда қучайтириб юборганликларини исбот қилади.

Шимолий Катангадан олинган маълумотларга қараганда, қўзғолончиларнинг отрядлари Катанга жандармларининг қаршилигини енгиб, кеча Маноно шаҳрига киргандар. Маноно шаҳри Альбертвилдан Камина ва Элизабетвилга олиб борадиган йўлда стратегик жиҳатдан муҳим пунктдир.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, қўзғолончиларнинг бошқа бир колоннаси Касаи вилоятининг пойтахти Лулуабург томон силжиб бормоқдалар.

Айни вақтда қўзғолончиларнинг қисмлари Стэнливиль районини Леопольдвиль қўшинлари қолдиқларидан тозалашни давом эттирмоқдалар. У ердан олинган хабарлардан маълум бўлишича, мамлакатнинг шарқидаги қўзғолончилар ҳаракатининг раҳбари Гастон Сумиало Стэнливиль радиоси орқали гапириб, Леопольдвиль аҳоли сини мамлакатнинг озодлиги ва чинакам мустақиллиги учун курашда қўзғолончиларнинг кучларини қўллаб-қувватлашга даъват этди. У, суахили тилида сўзлаган нутқини «уҳуру» («озодлик») деган сапларни уч марта такрорлаб тамомлади.

АФП мухбирининг айтишича- Леопольдвилда «тинглик вазияти» ҳукм сурмоқда. Каскалар кийиб олган ва автоматлар билан қуролланган солдатлар кеча кечки пайтдан бошлаб шаҳар кўчаларида патруллик қилмоқдалар. Қўшинлар ва полициянинг кучли наридлари ҳукумат бинолари, радиостанциялар ва почта идоралари бинолари олдига қўйилди. «Рўй берган вазият муносабати билан» бош министр Чомбе Элизабетвилга бормайдиган бўлди.

У ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 август. (ТАСС). Президент Жонсон ва АҚШ давлат департаментининг раҳбарлари билан музокаралар тамом бўлгандан сўнг БМТ бош секретари У Тан жумладан, БМТнинг молиявий кризисини Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволни, Кипр проблемасини ҳамда савдо ва ривожланиш масалаларига бағишлаб ўтказилган Женева конференциясининг оқибатларини муҳокама қилганлигини журналистларга айтди. У Таннинг гапига қараганда, музокаралар «гоят самарали» бўлган. У Тан Шарқи-Жанубий Осиёда тинчликни сақлашга тааллуқли бир неча формулаларни президентга баён қилиб берганлигини айтди.

Саволларга жавоб қайтариб, У Тан Ҳинди-Хитой районидаги аҳволни бартараф қилиш ишида Хавфсизлик Кенгаши ўз составининг чеклангалиги сабабли ҳамда бу районда мавжуд бўлган ва бу районда томонлардан бири БМТга аъзо эмаслигидан иборат алоҳида хусусиятлар борлиги сабабли фойда бера олмайди, деган фикрни билдирди.

У Тан айтдики, менинг фикримча Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволни муҳокама қилмоқ учун 14 давлат иштирокида яна Женева конференциясини чақириш зарур. У Тан, бу таклифни БМТнинг расмий вакили сифатида, илгари сураётганим йўқ, деб таъкидлаб ўтди.

Эълонлар. Томошалар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Эрталабки гимнастика машғулоти.** 12.25—**Нино билан Сино.** 12.45 — **Учар нема** (фильм-эртак).

Ўзбек тилида: 13.50 — **Концерт** (болалар учун). 14.10 — **Казаклар найтди.** 17.00 — **Қувноқ минутлар.** 17.30 —**Телевизион янгиликлар.** 17.45 — **Тарзаннинг ўлими** (бадиий фильм). 18.50 — **Қурувчилар куни.** 19.50 **Ота-оналар учун.**

Рус тилида: **Эстрада концерти,** танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 9/VIII да кундуз **Жизель,** кечқурун **Аида,** 11/VIII да **Куба қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VIII да **Зарафшон қизи,** 10/VIII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бахт куни — «ВАТАН», «МИР», «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да), НАВОИЙ номли (кеч 7 гача).

Тонггача 40 минут — НАВОИЙ номли (кеч соат 7, 8 ярим ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Алданган алдамчилар — «СПУТНИК» (1 ва 2-залда), «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Ёмғирли яшанба—«ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Петер (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да), **Бўйдоқ ҳаёти** (кундуз 2, кеч 6 ва 9-45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Куба, 1958 йил — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4, кеч 6, 8 ва 10 да), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз). **Хатарли рейс**— «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да).

Вой, бу қизлар — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).

Капитан Грант болалари (эрталаб соат 10 да) **Париж сирлари** (кечқурун) — «МОСКВА».

Ғўзал Василиса — «ЧАЙКА» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

МАРКАЗИЙ

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

11, 12 августда

Совет Иттифоқи биринчилиги учун: «Заря» (Луганск) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 ярмида бошланади.

11/VIII да дублёр состав, 12/VIII да асосий состав ўйнайди.

«ПАХТАКОР» ЯНА ЮТҚАЗДИ

«Пахтакор» ўзининг навбатдаги учрашувини Одесса шаҳрида маҳаллий «Черноморец» футболчилари билан ўтказиб, 0:1 ҳисоби билан яна ютқазди.

Қолган командаларнинг учрашувлари қуйидагича якунланди: «Заря» — «Авангард» — 3:0, «Даугава» — «Локомотив» — 2:0, «Динамо» — «Волга» — 2:0, «Кубань» — «Энергетик» — 2:1, «Жальгирис» — АСК — 2:2.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» ҚЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323 Масъул секретарь — 34455 Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283 Партия турмуши — 33469 27221. Пропаганда — 31226 Саноат қурилиш ва транспорт — 34780 Совет қурилиши — 33258 Қишлоқ хўжалиги — 27604 Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451 Маҳалли ахборот — 32347 Оммавий ишлар ва кадрлар — 29005 33553. Иллюстрация — 34524 Стенографистка — 27343 Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249 30250 30251 30252 30253 30254 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳаниқати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02430. ИНДЕКС — 64543. № Б — 185.